Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 116 (20. 683) • 1990 йил 22 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

⊙ МАҲСУЛОТ КЎПАЙИБ, ТАННАРХИ АРЗОНЛАШМОҚДА.
⊙ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ОРТАЯПТИ.
⊙ ЕРГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИГА ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ ОШАЕТИР.
⊙ ДЕҲҚОН ОЗОД ВА ЭРКИН МЕҲНАТ НАШИДАСИДАН МАСРУР.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари А. ИКРОМОВнинг рўзнома 3-саҳифасида эълон қилинаётган мақоласида ижара усулининг самаралари ҳамда уни жорий этишдаги муаммолар ҳақида сўз юритилади.

Съезд минбарига

ЭНГ МУҲИМИ— ОБРЎНИ ТИКЛАШ

Бугунги кунда партия ташкилотларининг обрўсини кўтариш борасида жуда ҳам жиддий гап-сўзлар бўляпти. Мен уч йилдан буён совхоз партия ташкилотининг секретари бўлиб ишламоқдаман. Иш фаолиятим давомида кўпгина тўсиқларга дуч келганим сир эмас. Турғунлик йиллари кўп коммунистлар аъзолик бадалларини икки-уч ойда тўласалар-да, йиғилишларга вақтида келмай, ташаббус кўрсатмай, ҳатто ишлаб чиқаришда ва шахсий ҳаётда партиясизларга ҳеч қандай ўрнак кўрсатмаган бўлсалар ҳам улар билан муроса қилиб, барча қилмишларига чидаб келинди. Тўғри, қайта қуриш ва янгиланиш даврида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Бироқ сирасини айтганда турғунлик йилларидан мерос бўлиб қолган иллатлардан ҳали батамом қутила олганимиз йўқ.

Баъзан ўйлаб ўйимга етолмайман. Мени қийнаб келаётган саволларни партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам коммунистларнинг муҳокамасига қўйдим. Ахир, ҳаммамиз ҳам партия аъзолигига қабул қилинаётганимизда КПСС Уставини ўқиб, партия аъзолари, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари нималардан иборат эканлигини ёд қилиб юборган эдик-ку. Шундай экан, нима учун бугун шу ташкилотнинг обрўсини, жанговарлигини, курашчанлигини кўтариш учун жон-дилдан, астойдил ҳаракат қилмаймиз? Нега айрим нопок ва бюрократ раҳбарларнинг аслд башарасини йиғилишларда очиб ташлаб, уларнинг танобини тортиб қўймаяпмиз? Нима учун ҳамма соҳада партиясизларга намуна кўрсатиш бурчимиз эканлигини яхши тушунган ҳолда амалда ана шунга риоя қилмаётирмиз? Кундалик ҳаёт шуни яққол кўрсатмоқдаки, кўпгина коммунистлар фақат ўз шахсий манфаатлари ўртага қўйилганидагина елиб-югурадилар, астойдил жон куйдирадилар, улар қаерда моддий манфаатдор бўлсалар шу ердаги раҳбарни ёки ташкилотни тан оладилар. Гал давлат нуқтаи назарига келганида эса, унчалар жон қойитгилари келмайди. КПСС Марказий Комитети мамлакатдаги барча коммунистларга йўллаган Очиқ хатида мана шундай номигагина партия аъзоси ҳисобланган кишилардан ўз сафларини тозалаш лозимлигини уқдирди. Бу— жуда ҳам тўғри талаб. Чунки аслида партия обрўсини тушираётган, унинг жанговарлиги ва таъсир кучини сусайтираётган шахслар ҳам мана шундай фақат ўз манфаатини кўзлайдиган кишилардир. Биз бундай соҳта коммунистлардан қанчалик тез қутилсак, сафимиз шу қадар соф ва мусаффо, ташкилотимиз эса кучли бўлади. Бинобарин партия ташкилотлари меҳнаткаш халқ кўзи ўнгида ўзининг принципиаллигини, лоқайд ва сусткаш коммунистларга нисбатан муросасиз эканлигини амалда исботлайди.

Шу кунларда совхозимиз коммунистлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларини синчиклаб таҳлил этмоқдалар. Ана шу муҳим ҳужжатлар билан таниш эканман, коммунист сифатида менда ҳам баъзи фикр ва мулоҳазалар туғилди. КПСС Устави лойиҳасида бошланғич партия ташкилотлари мустақиллигини ошириш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Бу — тўғри фикр. Чунки, партия юқори органлари халқ билан асосан бошланғич ташкилотлар орқали мулоқот олиб борадилар. Партия олий органининг қарорлари ана шу бошланғич ташкилотлар орқали халққа етиб боради. Шундай экан, унинг мустақиллигини ошириш шу кунги энг муҳим вазифадир. Мустақиллик, ишчанлик ва жанговарликнинг ошиши эса ўз навбатида шу ташкилот обрўсини кўтаради.

Мен шунингдек, давлат банкида ҳар бир партия ташкилоти ҳисобида пул маблағлари сақланадиган счёт очилиши зарур деб биламан. Масалан, партия ва комсомол ташкилотларидан ташқари барча ташкилотлар ўз моддий жамғармаларига эга. Жумладан, касаба союз ташкилотлари давлат банкидан ва омонат банкида жорий ҳисоблар, шахсий дафтарчалар очганлар. Улар кишиларни курорт ва санаторийларда дам олиш ва даволаниш учун бепул ёки пулли йўлланма билан таъминлаш, мукофотлар бериш ва шу каби бошқа бир қанча ҳуқуқларга эгадирлар. Бошланғич партия ташкилотлари тўпланган аъзолик бадалларининг маълум бир қисмини ўз ҳисобларида олиб қолиш ҳуқуқига эга бўлганларидан кейин улар ҳам, менимча, жамоат ишида фаол иштирок этган коммунистларни мукофотлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш имкониятига эга бўладилар. Шундай экан, КПСС Уставида мана шу фикрлар ўз аксини топса маъқул бўларди.

Мен партия ташкилоти иши билан район партия комитетида бўлганимда бошқа бошланғич ташкилотлар фаолияти билан ҳам танишишимга тўғри келяпти. Тўғрисини айтганда, расмиятчилик ва қоғозбозлик иллатларидан қутилиб ололмаётган партия ташкилотлари ҳали кўп. Айтмоқчиманки, биз ана шундай иллатларга барҳам бермай, коммунистларнинг коллективдаги ишбошилик ролини таъминламай туриб меҳнаткашларни партия ташкилоти атрофига янада маҳкамроқ жипслаштириш ҳақидаги вазифаларни амалга оширолмаймиз, бу қарорлар қуруқ гаплигича қолаверади ва одамлар ҳам шу ташкилотдан ўзларини четга олаверадилар. Ана шулар ҳақида жиддий мулоҳаза юритадиган пайт келди.

Ж. МУҚИМОВ,
Деҳқонобод районидаги Ибн Сино номли совхоз партия ташкилоти секретари.

• ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Олим берган маслаҳат асосида

● Ленин номли совхоз деҳқонлари бу йил 300 гектар ерга иссиқлик ёрдамида ишлов берилган чигит экдилар. Экиш олдидан уруғликка ишлов бериш нинг бу усулини қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Р. Кенжаев таклиф қилди.

Совхоз директори М. Арзиевнинг хабар қилишича, чигитлар бир текисда ва эрта униб чиқиб, деҳқонларга ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки культивацияни бошлаш имконини берди.

Ўтган йили Х. Облобердиев бошлиқ звено аъзолари олимнинг тавсиясидан фойдаланиб, уч гектар ерга шундай уруғлик экишган эди. Тажриба янги усулнинг самарадорлигини исботлади. Ҳосилдорлик деярли саккиз центнер ошди.

Усулнинг афзалликларидан бири — уруғликни дорилаш керак бўлмайди. Уруғлик ерга экологик жиҳатдан соф технология асосида қадалади, махсус кийимбош ва химиявий моддалар учун қўшимча харажатларга ҳожат қолмайди. Сараланган ва 80-90 даража ҳароратда тобланган уруғликлар замбуруғлар туфайли юзага келадиган касалликларга ва вилтга чалинмайди.

Ҳозир Китоб районидаги Куйбишев номли колхоз, Шаҳрисабздаги «Гулистон» совхози, «Косон» совхози деҳқонлари пахтани Р. Кенжаев тавсиялари асосида етиштиришаяпти. Тажриба майдонлари уруғлик анъанавий усулда экилган жойлардан гўзалар анча яхши ўсаётганлиги билан фарқ қилмоқда.

Колхоз истиқболи

● Бўз районидаги Карл Маркс номли колхоз правленеси хўжалик меҳнаткашларини ер участкалари билангина эмас, шу билан бирга қурилиш материаллари билан ҳам таъминламоқда.

Маҳаллий усталар колхозда қурган янги ғишт тайёрлаш цехининг маҳсулоти ҳам жуда қўл келди. Бу цехда йилига бир миллионтадан кўпроқ хом ғишт қуйилади. Анъанавий қишлоқ синч уйини қуриш учун эса атиги 10-15 мингта ғишт етарли.

Хўжалик ёғоч-тахтага талабнинг ошиб кетишини олдиндан билиб, ўтган йилнинг кузидаёқ Нянгань ўрмон саноати хўжалиги коллективи билан Бўзга бир неча минг кубометр ёғоч-тахта ва хода етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган эди. Шунинг учдан бир қисми ҳозирнинг ўзидаёқ етиб келди ва аҳолига бозор нархларидан анча арзонроқ баҳода сотилди.

— Ҳозир биз ўз консерва заводимизни қуриб битказаяпмиз, — дейди колхоз раиси Нўъмонжон Маҳсудов. — У йилига уч миллион шартли банка маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Бундай корхонадан икки томонлама фойда бор: биринчидан, 60 дан кўп киши ишга жойлашади, иккинчидан эса бу маҳсулот эвазига биз Россия ва Сибирдаги харидорлардан ўзимизда етишмай турган шифер, цемент, ёғоч-тахта материалларини оламиз.

Анъаналарни тиклаб

● Шуманай райони савдо тармоғига кунжут мойининг дастлабки туркуми келтирилди. Яна бир анъана — миллий дастғоҳ — жувозда мой чиқариш усули тикланди.

Илгари пахтакор ҳисобланган районда пахта яккаҳокимлигидан воз кечиш бу йил каттагина майдонларга кунжут экиш имконини берди. Сабзавот ва озуқа экинлари ҳам тобора кўпроқ экилмоқда. Янги боғлар барпо этилди. Хуллас, бу ерда пахта ҳосилдорлигини ошириб бориш билан бирга, Озиқ-овқат программасини комплекс ҳал этишни ҳам унутишмаяпти. Қорақалпоғистоннинг бошқа районларида ҳам ишлар шу тусда олиб борилмоқда.

(ЎзТАГ).

«Фотоконкурс—90»

АЯМЛАР САФАРДАН ҚАЙТДИЛАР. Г. Графкин.

Парвариш қизғин

Конимех районидаги Ҳамид Олимжон номли совхознинг Норқул Облоқулов бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу йил полиз ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил олишга аҳд қилишган. Улар 10,5 гектар ерга экилган полиз экинларини яхши парваришламоқдалар. Умуман бригаданинг 204 гектар ери бор. Миришкорлар шунинг 70 гектарига кузги арпа, 78 гектарига беда, 46 гектарига сорго экишган.

Бундан ташқари бошқа сабзавот экинлари ҳам парваришланмоқда. Шуниси диққатга сазоворки бу майдонларнинг асосий қисми ижарачиларга бўлиб берилди. Б. Каримов, Ж. Бурхонов, М. Санақулов, З. Расулова сингари ижарачилар мўл ҳосил олиш йўлида астойдил тер тўкмоқдалар.

Хўжаликнинг Омон Усмонов бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳам шу кунларда мусобақани авж олдириб юборишди. Улар КПССнинг бўлажак XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди шарафига мавжуд 91 гектар ердаги экинларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Ижарачилардан С. Усмонова, Ш. Жалғасбоева, Д. Абдуллаева ва бошқалар помидор, сабзи, карам, қовун ва тарвуз экиётган майдонларда зўр шижоат кўрсатаётир.

М. АДИЗОВА.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

МАМЛАКАТДА УЙ-ЖОЙ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛДА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Сўнгги йилларда СССРда уй-жой муаммосини ҳал қилишда муайян ижобий силжишларга эришилди. Ўн иккинчи беш йилликда умумий саҳни деярли 650 миллион квадрат метр уй-жой қурилади, бу олдинги беш йилликдагига нисбатан қарийб 100 миллион квадрат метр ёки 1,7 миллионта квартира кўп демакдир. Беш йил ичида 15 миллион оила уй-жой шароитини яхшилаши мумкин бўлади.

Бироқ қилинган таҳлил уй-жой муаммосининг ўткирлиги камаймаётганлигини кўрсатди. Уй-жой шароитини яхшилаш учун навбатда турувчилар сони камаймаяпти, ҳозир 14 миллион оила навбат кутмоқда. 6 миллиондан ортиқ оила коммунал квартираларда, ётоқхоналарда яшамоқда ёки хусусий кишилар уйларини ижарага олиб турибди. Деярли 4,5 миллион оилада ҳар киши ҳисобига 5 квадрат метрдан камроқ майдон тўғри келади. 1989 йилда уй-жой қурилиши планлари бажарилмай, вазият янада мураккаблашди. Одамлар 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлашнинг реаллигига шубҳа қила бошладилар.

Мақсадга эришиш учун деярли 30 миллион квартира ва шахсий уй-жойлар (умумий саҳни камида 2 миллиард квадрат метр) қуриш зарур. Бунинг учун эса 1991 йилдаёқ 155—160 миллион квадрат метр, 1995 йилда эса 230—240 миллион квадрат метр уй-жой қурадиган даражага чиқиб олиш керак. Аввалги усуллар билан уй-жой муаммосини ҳал қилиб бўлмаслиги равшан. Уй-жой сиёсати масалалари бутун мажмуасига мутлақо янгича ёндашув зарур.

Гражданларнинг уй-жойга конституцион ҳуқуқини таъминлаш манфаатларини кўзлаб **қарор қиламан:**

СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан бирга 1990 йил 1 сентябрга қадар СССРда уй-жой муаммосини ҳал қилиш чораларининг яхлит системасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилинсин:

1. Уй-жой қурилишини кескин, камида икки баравар кенгайтириш учун шароит яратиш, уй-жой қурилишини давлат, корхоналар ва ташкилотлар, кооперативлар, якка тартибда уй қурувчилар — барча йўналишлар бўйича кучайтириш. Шу мақсадда қуйидагилар амалга оширилсин:

уй-жой қурилиши инвестиция сиёсатини тубдан ўзгартириш капитал маблағларини ва пудрат ташкилотларининг қувватларини ишлаб чиқариш соҳасидан уй-жой қурилиши соҳасига қаратиб тағин ҳам қайта тақсимлаш, қурилиш индустрияси йўналишини шунга мувофиқ ўзгартириш, ишлаб чиқариш мақсадларидаги қурилишдан бўшатиб олинган бинокорлик материалларини уй-жой қурилишига ажратиш;

давлат, ижара, кооператив корхоналарининг, уларнинг уюшмалари ва иттифоқларининг, акционерлик жамиятларининг жамоат ташкилотларининг жамғармаларидан, заёмлар, банк кредитларидан, шунингдек аҳоли маблағларидан фойдаланиш ҳисобига уй-жой қурилишининг молиявий негизини кенгайтириш, ҳақини дарҳол ва бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан «сотиш учун» квартиралар қуриш. Уй-жойларни аҳолига ижарага берадиган ва сотадиган қурилиш кооперативлари, фирмалари, территориал акционерлик-тижорат банклари системасини ривожлантириш;

биноларни пардозлаш материалларини, санитария-техник ускуналар ва бошқа махсус жиҳозларни ишлаб чиқарувчи қувватларни кескин кўпайтириш, бу соҳада янги корхоналар ва ташкилотлар барпо этишни, ишлаб турган корхоналар ва ташкилотларни кенгайтиришни рағбатлантириш;

машинасозлик ва мудофаа саноатининг бир қанча корхоналарининг йўналишини ўзгартириб, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш-монтаж ишлари учун машиналар ҳамда механизмлар ишлаб чиқаришни программага мувофиқ аниқ мақсадни кўзлаб таъминлашга, шу жумладан якка тартибда уй-жой қуриш учун кичик механизация воситаларини ишлаб чиқаришга қаратиш;

мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш билан банд бўлган корхоналарга, бинокорлик материаллари саноати корхоналарига ҳамда граждан уй-жой қурилиши учун машина-ускуналарнинг ҳамма турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга имтиёзли солиқ солиш;

(Давоми иккинчи бетда).

ЭЛ НАЗАРИ—ОЛИЙ НУФУЗ

Одатда бирон воқеа ёхуд маросим баҳона кўнгилда фикрлар қўзғалади, ақл-идрок ғалабасига мурожаат этилади. Зеро, инсон кимгадир ва нимагадир дардларини ёриш, армонларини айтиш эҳтиёжи билан яшайди. Қадим-қадимларда одамлар оловга топинганлар, санамга сажда қилганлар, юлдуздан фол олганлар, тупроқни ўпганлар, сув парисини ўйлаб топганлар, тошга битик ўйғанлар.

Бу сўзларни қоғозга туширишимнинг боиси — бўсағада жумҳуриятимиз фирқасининг XXII анжумани турибди. У халқ ишончини оқлаши, ўз нуфузини тиклаши, жамиятни янгилашда ўтказилган умид кўчатларини ҳосилга киритиш дастурини белгилаб бериши даркор.

Очиғи, раҳбариятимизга ўтмишдан оғир мерос қолган. Ем-хашак тайёрлашми — партия раҳнамо! Пахтанинг харид нархини оширишми—Сиёсий бюро кўрадн! Алмашлаб экишми —Марказ белгилайди! Кадр тайинлашми—Москвага кўринган беріб кел! Хуллас, бир олтин қозиққа арқонлаб қўйилганга ўхшардик.

Покланиш шиддатларида жумҳуриятларга бир қадар эркинлик ва мустақиллик, ҳуқуқ ва имтиёзлар берилаётирки, биз ўзбеклар ўз суверен давлатимизнинг хайрли ишларида бу силжишнинг шоҳидлари бўлиб турибмиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қадриятларимизни тиклай бошлади. Халқ замон руҳидаги ўз сиёсий раҳбаридан рўшнолик кўряпти. Лекин Ўзбекистон фирқаси ва Шўросининг эзгу бошламалари бироз ёқинқирамаган тоифалар ҳалиям барҳам топгани йўқ.

Шунинг учун Ўзбекистон коммунистлари анжуманига тилакларимиз мўл: аввалламбор, чинакам ленинизмга қайтиш, миллий ғурурни ленинчасига тиклаш, қолаверса, миллий кадрларни камолга етказиш йўлида собитлик кўрсатиш; энг муҳим жиҳати, онг ва шуурга турли-туман кўрсатмаларни тиқиштиравермасдан меҳнат аҳлини ҳам моддий, ҳам маънавий бойитавериш; яна бир томони, туб бурилишларда оғишмаслик, ўз сиёсий қиёфасини йўқотмаслик. Партия инсонпарвар бўлгандагина элни эргаштира олади.

Султон АКБАРИЙ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Область партия комитетининг Андижонда бўлиб ўтган пленуми иштирокчилари область партия комитетининг область XXII партия конференциясига ҳисобот докладининг лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Бу масала юзасидан область партия комитетининг биринчи секретари К. Ҳ. Холмирзаев нутқ сўзлади.

Пленум область партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органлари, республика ва Иттифоқ партия органлари составига номзодларни тавсия этиш, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатликка номзодлар юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш учун ишчи комиссиясини тузди ва тасдиқлади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Б. М. Олимжонов, А. С. Солижонов, М. Ю. Юсупов область партия комитетининг секретарлари этиб сайландилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

«МЕН ХАЛҚИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН...»

Ҳамид Олимжоннинг ижоди уни тарбиялаб вояга етказган жонажон Ўзбекистон тўғрисидаги, одамларни янада қудратли қиладиган ва жипслаштирадиган дўстлик ҳақидаги асарлар билан йўғрилган. Шоир: «Мен халқимнинг юрагида яшайман...», деб ёзган эди. Моҳир сўз устаси таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантана кунларида бутун жумҳуриятимизда унинг асарлари янгради. Шу кунларда китобхонлар конференциялари, илмий анжуманлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказилмоқда. Уларда Ўзбекистон ёзувчилари билан бир қаторда қардош иттифоқдош жумҳуриятлардан келган маданият намояндалари ҳам қатнашдилар.

Ҳамид Олимжон дастлабки таълимни олган ва йигирма ёшида унинг «Баҳор» деб аталган илк шеърлар тўплами нашр этилган Самарқанд шаҳрида ўзбек совет адабиётининг атоқли арбобига бағишланган тантана - кўпгина тадбирлар бўлиб ўтди. Булунғур районидаги Ҳамид Олимжон номли совхозда шоир бюстини очиш маросими бўлди. Самарқанд давлат дорилфунунида сўз санъаткори ижодини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотлар тўғрисида ахборотлар берилди. Опера ва балет театрида ўтказилган йиғилишда адибнинг Самарқандда яшаб, ижод этган даври ҳақида ҳикоя қилинди. Бу ҳикоялар унинг дўстлари ва қаламкаш биродарлари хотиралари билан чамбарчас уйғунлашиб кетди.

«Шоирни тушуниш учун унинг ватанида бўлиш керак», деган эди Гёте. Шунинг учун ҳам тантаналарнинг қатнашчилари Жиззахга йўл олдилар. Ҳамид Олимжон бу ерда, саксон йил илгари камбағал деҳқон оиласида дунёга келган эди. Энди эса Жиззах диёри ўзининг ажойиб фарзандига ҳурмат бажо келтирмоқда. Жиззах районидаги «Москва» колхозида, шоир яшаган маҳаллада унинг уй-музейи очилди, музей ҳовлисида Ҳамид Олимжоннинг бюсти ўрнатилган. Ўзбек адабиёти арбобининг номи билан аталувчи совхозда халқ сайиллари, мушоира ўтказилди. Бахмал. Зомин, Пахтакор, Ғаллааролда ҳам «Зайнаб ва Омон», «Ойгул ва Бахтиёр» достонлари, «Муқанна» драмаси муаллифининг илҳомбахш сатрлари янгради. Ю. Ражабий номли вилоят театрида учрашувлар давом эттирилди.

Ўзбек диёри бўйлаб давом этган тантаналар Тошкентда, Навоий номли театрда ўтказилган кеча билан ниҳоясига етди. Бу кечага шоирнинг: «Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда, чаппар уриб гуллаган боғин, ўпар эдим Ватан тупроғин», деган сатрлари муқаддима бўлиб янгради.

(Давоми учинчи бетда).

Область партия конференцияларида

● Конференцияда вилоят партия комитети ҳисоботи юзасидан унинг биринчи котиби Д. С. Ёдгоровнинг маърузаси қисқача баён қилинди. Зеро «Қайта қуришнинг бориши, областда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазият ҳамда область партия ташкилотининг уларни сифат жиҳатидан такомиллаштиришдаги роли тўғрисида»ги асосий ҳисобот маърузаси бундан ўн кун муқаддам вилоят газеталарида ўзбек ва рус тилларида аҳоли эътиборига ҳавола этилганди.

Ҳисоботни маҳаллий газеталарда бундай барвақт эълон қилишдан мақсад вилоят партия ташкилоти олдида турган энг долзарб муаммоларни ҳал қилиш юзасидан мунозарага иложи борича кўпроқ кишиларни жалб этиш эди.

Кўзланган мақсадга эришилди. Кўплаб коммунистлар ва партиясиз меҳнаткашлар вакиллари ҳисобот билан танишгач, вилоят партия комитетига шахсан келиб ёки телефон орқали бошланғич ташкилотларда қайта қуришнинг бориши, турмушимиздаги иллатларни тугатиш бўйича фойдали мулоҳазаларини айтдилар.

Вилоят партия комитетининг бюроси ҳар гал конференция арафасида обкомнинг пленумини одатдаги тартибда ўтказиш практикасидан ҳам воз кечишга жазм қилди. Барча шаҳар ва район партия ташкилотларида обком пленумининг кўчма йиғилишлари ўтказилди. Бу йиғилишларда 145 коммунист сўзга чиқиб, сиёсий ва мафкуравий ишга чинакам жонли тус бериш бўйича 200 дан зиёд амалий таклифларни билдирди.

Конференция бошланишидан олдин ушбу йиғилишларда ҳамда ҳисобот ва сайловлар давомида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар, таклифлар умумлаштирилиб, делегатларга тарқатилди.

Шунинг учун обкомнинг биринчи котиби қисқача маърузасида вилоят партия ташкилотида қайта қуришни чуқурлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаштириб, чинакам ошкораликка эришиш, меҳнат коллективларида маънавий-психологик муҳитни соғломлаштириш, иқтисодиёт муаммоларини ҳал қилишда партиявий таъсирни кучайтириш бўйича область партия ташкилотида аллақачон бошланган мунозарани конференцияда давом эттиришга даъват қилди.

Партия ташкилотларининг обрў-эътиборини қайта тиклаш учун меҳнаткашларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ташкил қила билмоқ лозим, деб таъкидлади нотиқ. Биринчи навбатда бу уларни уй-жой, сифатли ва мўл озиқ-овқат, кенг истеъмол буюмлари билан таъминлаш демакдир. Областда белгиланган Уй-жой программаси бўйича ўн йил ичида 20 миллион квадрат метр турар жой қурилиши керак. Бунинг 60 фоизини аҳолининг якка тартибдаги қурилиши билан бажариш кўзда тутилган. Свердлов районида бу соҳада тўпланган тажриба кенг оммалаштиришга лойиқ.

Ромитан ва Ғиждувон район партия ташкилотларида фермерлик ҳаракати бўйича тўпланган тажриба ҳам диққатга сазовор. Областда 2 мингдан зиёд деҳқон фермалари ташкил қилиниб, жорий йилнинг ўтган даврида улар 400 тонна гўшт, 3800 тонна сут ишлаб чиқаришди.

Конференция делегатлигига сайланган коммунистларнинг ваколатлари беш йиллик муддатга узайтирилиши масаласи қўйилар экан, депутатлик ва делегатлик конкурслари ўртасида мана шундай чинакам амалий тажрибани оммалаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик усул ва услубларини янада ривожлантириш тўғрисида ўйлаш лозим. Партия ташкилотлари ва Советларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Партия сиёсати Советлардаги коммунистлар орқали амалга оширилиши даркор.

Нотиқ партия сафларини ишчи ва колхозчилар ҳисобидан кенгайтиришдаги нуқсонлар тўғрисида ташвишланиб гапирди. Бухоро, Зарафшон, Навоий шаҳарлари, Когон ва Учқудуқ район партия ташкилотларида ишчи ва колхозчи коммунистлар сони камайиб бормоқда. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Нотиқ қисқача маърузасига якун ясар экан, делегатларга вилоят партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолиятига юз-ҳотирсиз тўғри баҳо беришни таклиф қилди. Маърузада буйруқбозлик услубидан воз кечилгани музокараларга ҳам ижодий мунозара руҳини сингдирди.

Свердлов район партия комитетининг биринчи котиби М. Раҳмонов музокарада биринчи бўлиб сўз олиб, шундай деди:

— Қайта қуриш туфайли меҳнаткашлар энди эскичасига яшаб бўлмаслигини чуқур ҳис этишди. Мамлакатда содир бўлаётган митинглар, ўзаро адоватлар, савдо пештахталарининг бўшаб қолгани халқнинг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлмоқда.

Вилоятимизда ижтимоий-сиёсий аҳвол шунчалик тангки, партия ташкилотлари ўз иш услубларини тезроқ ўзгартиришлари зарур. Ҳисобот даврида обкомнинг аграр, ижтимоий-иқтисодий комиссиялари аппарат йўл-йўриғи асосида иш тутганини оқлаб бўлмайди. Сайлаб қўйиладиган фаолларга бу соҳада эркинлик берилиши лозим.

Нотиқ районда тўпланиб қолган муаммоларга тўхталди. Район аҳолисининг 15 фоиз қисми водопровод, 35 фоиз қисми табиий газдан фойдаланмоқда, — деди у.— Қишлоқ болаларининг 27 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига тортилган. Иттифоқ ҳукумати бундан икки йил муқаддам аҳолига шахсий уй-жой қуриш учун шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан қабул қилган қарор қониқарсиз бажарилаяпти. Ўтган йили районимизда шахсий уй-жой қуриш учун белгиланган 8 миллион ўрнига 553 минг сўм қарз берилди, холос.

ИЖОДИЙ МУНОЗАРА ЗАРУРАТИ

Бухоро

Бу ҳол мамлакатдаги молиявий тангликнинг яна бир ифодасидир. У вилоятнинг барча районларида мавжуд бўлган мана шундай ўткир муаммоларни ҳал қилиш учун ғоят уюшқоқлик билан иш тутишга даъват этади.

— Айрим унсурлар митингбозлик, миллий жазава билан қадриятларимизни поймол қилишни кўзламоқдалар, — деди Навоий районидаги «Нарпай» совхози партия ташкилотининг секретари Б. Рўзиев, — Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Мафкуравий ишни кучайтириш энг долзарб масала бўлиб қолди. Аппарат ходимлари эса бунинг ўрнига ҳамон ахборотномалар йиғиш билан машғул бўлишмоқда. Штатларни қисқартириш билан ўзгариш ясаб бўлмайди. Амалий партиявий ишда сайлаб қўйиладиган фаолларга кўпроқ таяниш, қўшни шаҳар ва районлар партия ташкилотларининг умумий муаммоларни ҳал қилишдаги ҳамкорлигини қучайтириш зарур. Афсуски, Навоий район ва Навоий шаҳар партия ташкилотлари ўртасида бундай ҳамкорлик сезилмаяпти.

Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. В. Горностаев сўзга чиқиб, унинг бу фикрига амалий тус берди. Ў Навоий райони ва Навоий шаҳри партия фаолларини конференциядан кейин шу залда қолиб мавжуд баъзи низоли муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал қилишни таклиф этди.

— Партия ташкилотлари вилоят аҳолиси аҳил ва иноқ яшаши учун ҳамма нарсани қилишлари керак, — деди у. — Навоий вилоятини қайта ташкил қилишга уринаётган шахсларга аниқ жавоб бериш лозим. Иқтисодий тангликни айирмачилик эмас, аҳиллик билан енгиб бўлади.

Нотиқ шунингдек, КПССнинг Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳалари ҳақида ўз шахсий мулоҳазаларини айтиб, улар матнидаги умумий жумлаларни олиб ташлашни таклиф қилди. Унинг фикрича, партия бадалларининг қанча қисмини бошланғич ташкилотда қолдириш масаласини КПСС XXVIII съезди ҳал қилиши лозим.

«Амубухараканал с т р о й» бошқармаси партия комитетининг секретари З. Саидов бошланғич партия ташкилотлари, группа ва цех партия ташкилотлари таркибини қайта қуриш бўйича фойдали мулоҳазаларни баён этди.

— Шонли ветеранларимиз қайта қуриш ишига тўсқинлиқ қилаётган сафсатабозларни фош этишмоқда,— деди вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси, СССР халқ депутати, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Раҳимов. — Улар меҳнаткашлар билан жонли мулоқот жараёнида КПССнинг Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳалари, Марказий Комитетнинг мамлакатдаги барча коммунистларга Очиқ хатида баён этилган қоида ва хулосаларни кенг тарғиб этишмоқда. Аммо уларнинг ҳайрли ишлари қадрига ҳамма жойда ҳам етишмаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати уруш ветеранлари ва ногиронларига катта ғамхўрлик кўрсатаётган бир пайтда вилоятда улар учун қурилиши лозим бўлган шифохона йилдан-йилга чўзиб юборилаяпти. Советлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг эса парволари палак. Коммунист раҳбарнинг бундай бағритошлигини оқлаб бўлмайди.

Конимех район сил касалликлари шифохонаси бош врачи Н. Серекбоева педагоглар ва шифокорларни асосий вазифасидан бошқа ишларга жалб этиш каби воқеларни қаттиқ қоралади. Жойларда қўпчилик сиёсий кампанияларни ўтказиш шулар зиммасига юклатилади, — деди у. — Ваҳолонки болалар саломатлиги, уларга таълим-тарбия бериш энг муҳим давлат вазифасидир. Шунингдек, у аёлларга меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш соҳасидаги муаммоларга делегатлар эътиборини қаратди. Навоий шаҳридаги 3-автокорхона директори М. Аҳмедов барча масалаларни ҳал қилишда марказдан йўл-йўриқ кутиш, иқтисодий муаммоларни мустақил ҳал қилишга уринмасликнинг ҳунук оқибатлари тўғрисида куюнчаклик билан гапирди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов нутқ сўзлади. Конференцияда обкомнинг ҳисоботи КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, партия Устави лойиҳалари билан биргаликда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференция қатнашчилари вилоят коммунистларининг ушбу анжумани юксак уюшқоқлик руҳида ўтганлигини таъкидладилар. Бу область партия комитети олиб борган ташкилий-сиёсий иш натижасидир. Муҳокаманинг амалий вазифаларга қаратилгани, нотиқларнинг ўз фикрини қисқа ва лўнда баён этишга ҳаракат қилгани туфайли икки кунга мўлжалланган бу тадбирни бир кунда тугатиш мумкин бўлди.

Конференцияни ўтказишдаги яна бир муҳим янгилик — унда обком аъзоларини сайлашга эҳтиёж қолмаганидир. Улар бундан анча илгари шаҳар ва район партия конференциясида сайланган эдилар. Бу ҳам партиявий демократиянинг янги бир кўриниши бўлди.

Конференцияда область партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Компартияси XXII ва КПСС XXVIII съездларига делегатлар сайланди.

* * *

Вилоят партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан Д. С. Ёдгоров вилоят партия комитетининг биринчи котиби, Ю. М. Сажнев обкомнинг иккинчи котиби ва бўлим мудири, С. Т. Жўраева, А. Р. Мўминов, Ҳ. Эргашев обком котиблари ва бўлим мудирлари этиб сайландилар.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

⊙ Вилоят партия сиёсий маориф уйи ниҳоятда гавжум. Обком конференцияси бошланиши олдидан делегатлар ўзаро баҳс юритишмоқда. Яъни, конференция бошланмасданоқ обкомнинг ҳисобот давридаги фаолияти юзасидан музокаралар авж олиб боряпти. Демак, конференция «силлиқ» ўтмайди, ўзаро баҳс ва мунозараларга, кутилмаган чиқишларга бой бўлади.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Конференция қатнашчиларининг ошкора, дадил фикр юритишида вилоят партия комитети биринчи котиби Б. А. Алламуродовнинг ҳисобот маърузаси муҳим роль ўйнади. Негаки, унда ҳисобот даврида амалга оширилган ижобий ишлар шунчаки мақталгани ёки баъзи камчиликлар чуқур таҳлил этилмай танқид қилингани йўқ. Партия ишини қайта қуриш борасида бажарилган ишлар, йўл қўйилган ёки навбатга қўйилиб, амалга ошмай қолган вазифалар ҳато ва камчиликлар ҳақида холисона фикр юритилиб, қандай хулоса чиқариш конференция делегатлари ҳукмига ҳавола этилди.

Музокаралар давомида баъзи коммунистлар нутқида ортиқча эҳтиролар ҳам сезилиб турди. Лекин конференция қатнашчилари диққат-эътиборини чалғитишга қаратилган хатти-ҳаракатларга делегатлар залга ўрнатилган микрофон орқали ва ўз маърузалари давомида муносиб баҳо бердилар.

Ҳисобот докладида таъкидланганидек, бир ярим йил давомида область партия комитети иш услубида бурилиш ясалди. Энг муҳими—эскича қолип ва андозалар барҳам топди. Райком ҳамда партия қуйи ташкилотларига тўла мустақиллик берилиб, эркин, ижодий ишлаш учун имконият яратилди. Хўжалик ишларига аралашишларга мутлақо чек қўйилди. Область партия комитети иш услубидаги бундай ўзгаришни музокарада сўзга чиққан коммунистлар ҳам алоҳида таъкидладилар.

— Ҳисобот даврида обком ва унинг бюроси фаолиятида шаҳар ва район партия комитетларига турли кўрсатмалар бериш ва ҳар-хил ҳисоботлар сўраш қарийб икки марта камайди, — деди Наманган район партия комитетининг биринчи котиби Ж. Сиддиқов. — Бу партия район бўғини учун ибрат бўлди. Биз ҳам райком аппарати фаолиятини тубдан қайта қуришга эришдик. Ходимлар эндиликда турли маълумотлар тўплаш ўрнига иш бораётган жойларга, одамлар ёнига кўпроқ борадиган бўлдилар. Бу эса ўз навбатида қабул қилинган қарорларнинг жойларда тўла амалга оширилишига имкон беряпти.

Бу ишларнинг ҳаммаси район иқтисодиётида ўз аксини топмоқда. Масалан, меҳнаткашларнинг ойлик маоши кейинги бир йил давомида ўртача 130 сўмга кўпайди. Кексалар қарилик пенсиялари камида 100 сўмга етказилаётир. Меҳнаткашларга уй-жой қуриш ҳамда шахсий хўжалигини ривожлантириш учун процентсиз қарз берилмоқда. Мавжуд ички резерв ва имкониятларни ишга солиб, қишлоқларда социал муаммоларни ҳал этишга киришдик. Биз буларга тўла мустақиллик берилгани ва эркин ижодий ишлаш учун имконият туғилгани сабабли эришяпмиз.

Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ф. Қутбиддинов, Косонсой районидаги «Бухоро» совхози бригада бошлиғи, обком бюроси аъзоси Х. Нишонов, Учқўрғон районидаги «Андижон» колхози партия ташкилоти котиби Б. Юнусовлар ҳам область партия ташкилоти иш услубида ўзгариш ясашга эришилганини таъкидлар экан, айни пайтда обком ва унинг бюроси фаолиятида йўл қўйилаётган нуқсонларни, чунончи, партия қуйи ташкилотларидаги илғор тажрибалар эътибордан четда қолаётгани, зўр дабдаба муносабати борасида ҳам тўла ойдинлик зарур. Виждон эркинлиги, жамиятни демократиялаштириш шароитида диндорлик авж олиб, атеистик тарбия сусайиб кетди. Ташвиқот ва тарғиботчилар диннинг моҳияти ва унинг ҳозирги ҳаракат йўналишларини яхши билмасликлари оқибатида ноқулай аҳволга тушиб қолмоқдалар. Наманган шаҳар, Уйчи ва Косонсой район партия комитетлари, маҳаллий Советлардаги коммунистлар кўпинча диний вазиятни тўғри баҳолай олмаяптилар. Оқибатда динга ишонувчилар ўртасида турли норозиликлар вужудга келяпти. Бундан эса баъзи ғаразли мақсаддаги кишилар фойдаланиб қолишга

ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

Наманган

билан районларда бошланган вилоят партия комитети кунлари сўниб қолганлигини таъкид қилдилар. Шунингдек, улар вилоят партия комитетидан қайта қуриш ниқоби остида шахсий манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган баъзи коммунистлар фаолиятига тегишли баҳо бериш, ҳалол ва принципиал партия ходимларини эса ҳимоя қилиш борасида ўзининг қатъий мавқеини эгаллашни талаб қилдилар.

Дарҳақиқат, ҳозирги мураккаб пайтда партия ходимининг мустаҳкам эътиқодли бўлиши, унинг ҳар қандай шароитда Ленин ғояларига содиқ қолиши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ кейинги пайтларда партия аъзолари ўртасида коммунистик эътиқоддан чекиниш ҳоллари рўй беряпти. Ҳисобот докладида ва музокаларда сўзга чиққан ҳар бир делегатнинг нутқида бундай коммунистлар билан муроса қилиб бўлмаслиги жиддий таъкидланди. КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига Очиқ хати бу борада партия ташкилотларига асосий йўл-йўриқ бўлиши қайд этилди. Бу масала юзасидан конференцияда умум фикри бир жойдан чиқди. Бундай ташвишланишга сабаб бор эди. Чунки баъзи коммунистлар сўраб-суриштирмай норасмий уюшмалар билан ҳамкорлик қилиш йўлига ўтиб олдилар. Айрим партия органлари вакилларида эса уларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига қарши курашиш учун қатъият етишмаяпти. Масалан, Уйчи районида «Бирлик» норасмий уюшмаси митингида унинг айрим тарафдорлари бугунги кунинг барча қийинчиликлари ва муаммоларида, хатто Орол фожиаси учун Коммунистик партияни, доҳий В. И. Ленинни айбладилар. Аммо митингда иштирок этган райком ва бошланғич партия ташкилотлари котибларидан бирортаси ҳам коммунистик ғояларимизни ҳимоя қилиб чиқолмадилар.

Яна бир муаммо. Коммунистларнинг динга бўлган уринмоқдалар.

Конференция делегатлари меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш масаласига, айниқса, кўпроқ урғу бердилар. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорлар суст бажарилаётганлигини таъкид қилдилар.

— Қарорлар қачонгача қоғозда қолиб кетади? — деди Уйчи районидаги шойи тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Р. Ғофурова. — Бундай ҳол партиянинг обрўсига путур етказишини унутмаслик керак. СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижков Фарғона водийси муаммолари билан танишган ва шундан кейин водий истиқболини кўзлаб бир қатор саноат корхоналари қурилиши режалаштирилган эди. Шунга мувофиқ районимизда пиллакашлик корхонаси қурилиши кўзда тутилганди, Афсуски, шу пайтгача иш ўрнидан қўзғалмаяпти. Область ва жумҳурият миқёсидаги мутасадди раҳбарлар ҳам сукут сақлашмоқда.

Нотиқ ўз сўзида КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида ҳам фикр билдирди.

— Дастур лойиҳасида хотин-қизлар тўғрисида яхши гаплар айтилган, — деди у. — Аммо унда Ўрта Осиё хотин-қизларининг яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари ҳисобга олинмаган. Мен маҳаллий шароитлар дастурда ўз аксини топиши зарур, деб ҳисоблайман.

Задарё районидаги Навоий номли колхоз правлениеси раиси Б. Каримов, Норин район ижроия комитети раиси Р. Худойбердиев ва Поп район партия комитетининг котиби Э. Жўнашевалар ҳам Р. Ғофуровнинг фикрини давом эттириб, вилоятда ишчи ўринлари очиш ва ишсизларни фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этишда дуч келинаётган муаммоларни тезроқ ҳал этиш зарурлигини уқтирдилар.

Ўзи қабул қилган қарорларни изчил амалга ошира бориб, барча соҳаларни комплекс ривожлантиришга эришаётган партия ташкилотлари вилоятда оз эмас. Учқўрғон район партия комитети ана шулар жумласидандир. Бу ерда коммунистлар том маънода ишбошилик қиляптилар. Районда иқтисодиёт мустаҳкамланиб, ижтимоий муаммолар кескинлиги юмшамоқда. Бундай ижобий ўзгаришларни Наманган ва Тўрақўрғон районлари партия ташкилотлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аммо вилоятдаги барча партия комитетларида ҳам иш ана шундай деб бўлмайди. Бунга асосан партия қуйи ташкилотлари тажриба ва ташаббусларига суяниб иш юритилмаётгани сабаб бўлмоқда. Косонсой ва Чуст район партия комитетлари фаолиятида шундай ҳол кўпроқ кўзга ташланмоқда. Обком аппарати ходимлари эса бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бериш ўрнига кўпроқ текшириш, насиҳат қилиш билан банд бўляптилар.

Область партия комитети кадрлар сиёсатида ҳам туб бурилиш ясаши лозим. Негаки, кўпгина партия ходимлари онгида мослашиб олишга интилиш, вазиятни олдиндан кўра билмаслик каби иллатлар ҳамон яшаб келмоқда. Область партия комитетига баъзи раҳбар ходимларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари, суиистеъмолликлари ҳақида ташвишли хабарлар келиб турибди. Ўтган йилнинг ўзида ана шундай ходимларнинг 28 нафари партиявий йўл билан, 206 нафари юқори бошқарув органлари ва халқ назорати комитетлари томонидан жазоландилар. Шуниси ачинарлики, бундай тартиб бузиш ва суиистеъмолликларга жойларнинг ўзида принципиал баҳо берилмаяпти. Кўп ҳолларда обком ёки юқори текширув органлари аралашувидан сўнггина чора кўрилмоқда. Масалан, Норин район жамғарма банки бўлимида аҳолига давлат ҳисобидан ссуда беришда жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Яъни маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ходимларидан 30 киши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг 21 ходими ва 33 савдо ходими навбатдан ташқари ссуда олган. Уларнинг ҳаммаси район партия комитетининг кўз ўнгида содир бўлганлиги ва райком ўз вақтида унга нисбатан тегишли чора кўрмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Обком конференциясида шу каби долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш борасида фикр юритилди. Конференция муҳокама этилган масалани чуқур таҳлил этиш, ошкора танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

Конференция обкомнинг янги таркибини, назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳамда КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлади.

Вилоят партия комитетининг ташкилий пленумида яширин овоз бериш йўли билан Б. А. Алламуродов обкомнинг биринчи котиби, М. М. Расулов иккинчи котиби ва бўлим мудири, Д. Дадажонова, Н. Отахонов, Х. Ғойибоев обком котиблари ва бўлим мудирлари этиб сайландилар.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАМЛАКАТДА УЙ-ЖОЙ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛДА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қурилиш ташкилотларининг хўжалик юритишнинг илғор шаклларига ўтишини рағбатлантириш, уй-жой қурилишини бошқаришни маҳаллийлаштириш, шу жумладан давлат корхоналари ва ташкилотларини ижарага бериш, шунингдек корхоналар ва ташкилотларни қайта тузиб уларни акционерлик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш;

қурилиш индустриясини такомиллаштириш учун чет элдан сотиб олинадиган ускуналар структурасини қайта кўриб чиқиш;

қўшма корчалонлик имкониятларидан фойдаланиш.

2. Аҳолининг уй-жойга эҳтиёжларини қаноатлантиришда корхоналар ва ташкилотларнинг ролини қатъиян ошириш. Уй-жой сотиб олишда ходимларга моддий мадад кўрсатишни рағбатлантириш, ана шу мақсадда уларга процентсиз қарз ва бегараз ёрдам бериш, корхоналар ва муассасалар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қурилган уй-жойлар меҳнат коллективларининг ихтиёрига мувофиқ тақсимланиши лозим.

3. Якка тартибда уй-жой қуришда кескин бурилиш қилиш, бу соҳадаги қолоқликни тугатиш, гражданларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, якка тартибда уй-жой қурувчига салбий муносабатда бўлишни тугатиш. Якка тартибда уй-жой қуришни муҳим давлат иши деб қараш керак. Шу мақсадда:

қишлоқда, шаҳарларда ва шаҳар атрофида уй қуриш ва ёрдамчи хўжалик учун ер участкаларини ҳеч қандай тўсқинликсиз ажратиш, гражданларнинг қурилган участкаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи таъминлансин;

корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар иштирокида якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган территориялар илдам обод қилинсин, йўл шоҳобчалари, сув, электр-энергия, газ ҳамда инженерлик ва ижтимоий инфраструктуранинг бошқа объектлари билан таъминлансин;

якка тартибда уй-жой қуриш учун биринчи навбатда қарз ва кредит бериш, айни вақтда бу қарздан кўзланган мақсадда фойдаланиш учун масъулиятни ошириш таъминлансин, қарз ва кредит бериш шакллари ва шартлари хилма-хил бўлишига эришилсин;

аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун жойларда таъминот-тижорат ва лойиҳа-маслаҳат фирмалари ташкил этилсин, аҳолига қурилиш техникасини, якка тартибда уй қуриш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва мосламаларни прокатга бериш хизмати кенгайтирилсин.

4. Энг аввало аҳолининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яшаш учун қулай муҳит яратиш зарурлигидан келиб чиқиб, уй-жойлар, шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфасини яхшилашга жиддий аҳамият берилсин;

аҳоли жойлашишининг тарихий таркиб топган системалари ва зоналарига таянилсин. Катта шаҳарларнинг кенгайиши камайтирилсин, барча тусдаги қишлоқлар, фермерлик ўрғонлари, кичик шаҳарлар ривожланишига кўмаклашилсин, «истиқболсиз» қишлоқ ёки шаҳар тушунчасидан воз кечилсин.

Қўриниши ва қиймати турлича уй-жойларни лойиҳалаш ва қуриш амалга оширилсин. Кичик шаҳарлар ва посёлкаларда, ўртача ва катта шаҳарларнинг махсус кўзда тутилган даҳаларида алоҳида иситиш системаси ва алоҳида тозалаш системаси бўлган бир квартирали уйларни тежамли қуриш авж олдирилсин.

5. Уй-жой муаммоси энг аввало гражданлар ва меҳнат коллективлари ўз маблағи ҳисобидан уй-жойга эга бўлиши негизида ҳал қилинадиган тартибга солиб туриладиган бозор шароитида ногиронларни, уруш ва меҳнат ветеранларини, давлат олдидаги бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг оилаларини, ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда СССР Қуролли Кучларининг қисқартирилиши муносабати билан ундан бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини, ўқитувчиларни, врачларни ҳамда ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа ходимларини, кам даромадли оилаларни уй-жой билан таъминлашда кафолатни кучайтириш ва давлат ёрдамини кенгайтириш зарур. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар билан биргаликда ёшларнинг уй-жой муаммоларини ҳал қилишда, жумладан ўз шахсий уйларини, ёшларнинг уй-жой комплекси ва кооперативларини, оилавий тусдаги ётоқхоналарни қуриш йўли билан уларга ҳар томонлама мадад бериш зарур.

Шу билан бирга ҳар бир граждан қонуний асосда эркин, ўзи танлаб, оиласининг эҳтиёжларига мувофиқ равишда квартира ёки уйни сотиб олиши, шу жумладан, давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли уйларнинг пулини тўлаш, узоқ муддатга фойдаланиш учун ёки ижарага олиш йўли билан сотиб олиши учун ишни уй-жой бозорини шакллантириш сари йўналтириш лозим.

Уй-жойларни ҳеч қандай тўсқинликсиз қайта тақсимлаш ва алмаштириш учун шароит яратилиб, барча тўқиб чиқарилган чеклашлар бекор қилинсин, уй-жой майдони ортиқча бўлган гражданлар кичикроқ ҳажмдаги квартираларга кўчиб ўтиши бунинг эвазига тегишли пул бериш билан рағбатлантирилсин. Давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли, уй-жой ва уй-жой қурилиш кооперативларига қарашли уйлардаги хоналарни шахсий мулк сифатида гражданларга тегишли уй-жойларга алмаштиришга рухсат этилсин.

Коммунал хўжалигини аста-секин тижорат негизига кўчириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш зарур.

6. Давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли уй-жойларда квартира ҳақи тўлаш системаси ўзгартирилсин, бунда қуйидагилар кўзда тутилсин:

даромади кам ҳамда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, республика қонунларида белгилаб қўйилган уй-жой билан таъминлаш даражасидан кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек санитария ва техника талабларига мос келмайдиган биноларда яшовчи барча оилаларни давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли уйларда уй-жойдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод қилиш;

алоҳида квартираларда яшовчи гражданлар учун улар эгаллаб турган бутун майдонга ва уй-жой сифатига қараб квартира ҳақини иттифоқдош республикаларнинг қонунларида кўрсатиладиган нормалар, ставкалар ва тартибга мувофиқ белгилаб қўйиш;

ортиқча уй-жойдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни кўпайтириш, қўшимча уй-жой майдони ва уй-жойга ҳақ тўлашнинг амалдаги системаси юзасидан имтиёзлар қайта кўриб чиқилсин ва асоссиз имтиёзлар бекор қилинсин;

уй-жойлар билан чайқовчилик қилувчи шахслар, шунингдек уй-жойлардан ва коммунал хизматдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан бўйин товловчи шахслар жавобгарлиги кучайтирилсин.

7. СССР Министрлар Совети бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда СССР ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонунларини, уй-жой муносабатларини тартибга солиб турадиган СССРнинг бошқа қонун ҳужжатларини мамлакатда уй-жой муаммосини ҳал қилишга янгича ёндашувларга мувофиқ қайта кўриб чиқишга доир таклифларни шу йил 1 октябргача СССР Олий Советига тақдим этсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 19 май.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЭСТОНИЯНИ ИДОРА ҚИЛИШНИНГ МУВАҚҚАТ ТАРТИБИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЭСТОНИЯ ССР ҚОНУНИНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА

Эстония ССР Олий Совети ССР Иттифоқи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан олдиндан маслаҳатлашмай, республика аҳолисининг манфаатларини, бошқа иттифоқдош республикалар ва умуман ССР Иттифоқи билан иқтисодий ҳамда сиёсий алоқаларни эътиборга олмай 1990 йил 16 май куни «Эстонияни идора қилишнинг муваққат тартиби асослари тўғрисида» қонун қабул қилди. Бу қонун Эстония давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, суди ва прокуратурасининг ССР Иттифоқи тегишли органларига бўйсунишини бир ёқлама тарзда тўхтатишга қаратилган. Шу тариқа ССР Конституциясининг 2, 70, 71, 73 ва 75-моддалари ҳамда «Иттифоқдош республикаларнинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонуни бузилди.

СССР Конституцияси 1273 моддасининг 1 ва 2-бандлари, 74 ва 173-моддалари асосида **қарор қиламан:**

1. Эстония ССРнинг «Эстонияни идора қилишнинг муваққат тартиби асослари тўғрисида»ги 1990 йил 16 май қонуни қабул этилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб эълон қилинсин.

2. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек гражданларнинг мазкур қонун асосида амалга оширган ҳар қандай ҳаракатлари ғайриқонуний деб ҳисоблансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 19 май.

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Телефакс ахборот агентлигининг «Интерфакс» ахборотномасида «Интерфакс» мухбири Грузиядаги аҳвол тўғрисида маълум қилиб, «...Милиция паспорт столларида СССР гражданлигидан воз кечаётган кишиларга истиқомат учун гувоҳнома деб аталган ҳужжатлар бериш давом этмоқда», деб таъкидлади.

Грузия ССР ички ишлар министри ички хизмат генерал-лейтенанти Ш. В. Горгодзенинг хабар беришича, «Интерфакс» ахбороти ҳақиқатга тўғри келмайди. Республикада «СССР гражданлигидан воз кечганликлари муносабати билан истиқомат учун ҳеч қандай гувоҳнома» берилган бирорта ҳам ходиса бўлмаган.

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ

• *Қишлоқ иқтисодиёти: тажриба ва муаммолар*

ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

ПАРТИЯ XXVII съездида таъкидланганидек, иқтисодиётни ривожлантиришдаги нохуш тенденцияларни қатъият билан бартараф қилиш, унга зарур жўшқинлик бахш этиш, омма ташаббускорлиги ва ижодкорлигига, чинакам инқилобий қайта ўзгартишларга кенг йўл очиб бериш партиянинг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Республикамиз иқтисодиёти аграр секторидаги аҳвол XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида турғунлик ҳолати деб, адолатли равишда кўрсатиб ўтилди. Аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш Иттифоқдаги ўртача даражадан 2—2,5 марта орқада қолмоқда. Бундай аҳвол юзага келган вазиятни холисона таҳлил этиш ва ундан чиқиш йўлларини ахтаришни тақозо этади.

Агросаноат комплекси самарадорлиги паст даражада эканлиги энг аввало алмашлаб экишларни суст ўзлаштириш, инвестиция сиёсатида йўл қўйилган хатоликлар пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда бундай нуқсонлар бартараф қилинаётир. Агар илгариги йилларда капитал сарфларнинг учдан икки қисми ерларни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлса, ҳозир ўн иккинчи беш йилликнинг қолган йилларида бундай маблағларнинг 70 фоизи коллектор-дренаж иншоотларини қайта тиклаш ва қуриш, ерларни асосли равишда текислаш ва суғориладиган далалар мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича бошқа ишларга сарфланмоқда.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигининг пастлиги республика қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти секин ўсаётганлигининг бошқа бир сабабидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, энг аввало пахтага нисбатан харид нархларининг паст эканлиги ана шунга олиб келди. Ваҳолонки, пахтани реализация қилиш барча даромадларнинг 75 фоизини беради.

Харид нархларининг, айниқса пахта харид нархининг даражаси дон ва бошқа маҳсулот турларига бўлган нархнинг умумиттифоқ даражасидан анча орқада қолган. Бундан ташқари, бир қатор маҳсулот турлари бўйича ҳам харид нархлари қўшни республикалардагига қараганда 30—40 фоиз ва ундан ҳам зиёд паст эканлиги маълум бўлди ва бунга оқлаб бўлмайди. Масалан, йигирма йил мобайнида (1967—1987 йиллар) бир центнер доннинг таннархи икки марта, харид нархи эса уч марта ўсди, таннархга нисбатан нархнинг ўсиш индекси 1,5 ни ташкил этди. Шу давр мобайнида пахтанинг таннархи 1,8 марта, нархи эса атиги 2,26 марта ўсди, таннархга нисбатан нархнинг ўсиш индекси 1,25 ни ташкил этди. Шундай қилиб, сўнгги 20 йил мобайнида пахтанинг нархлари донга нисбатан икки марта секинроқ ўсди.

Нархлардаги бундай рўй-рост кўриниб турган номувофиқлик ҳаммадан кўра иш ҳақи даражасига таъсир кўрсатди. Иш ҳақи эса Ўзбекистонда мамлакатнинг бошқа регионларига нисбатан анча пастдир. Чунончи, 1987 йилда қишлоқ хўжалик ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи СССР бўйича 2220 сўмни, Ўзбекистон ССР бўйича эса 1753 сўмни ташкил этди ёки 21 процент кам бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида агросаноат комплексидаги ишларнинг аҳволи чуқур таҳлил этиб чиқилди, нархларни ислоҳ қилиш ва бошқа долзарб масалалар бўйича таклифлар тайёрландики, уларни Иттифоқ органларида ҳал этиш бутун республика иқтисодиётида муайян сифат ўзгаришларига олиб келади.

Бундан ташқари, партия ташкилотлари пахтачилик озиқ-овқат комплекси самарадорлигини оширишнинг республика ичидаги асосий резервларини аниқлаб чиқдилар.

Ана шундай резервлардан бири деҳқонларни сўзда эмас, балки амалда ернинг чинакам соҳиблари бўлиши учун шарт-шароитлар яратишдир. Шу мақсадларда КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленумида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни давом эттириш, социалистик мулкчиликни амалга оширишнинг турли шаклларидан фойдаланиш, тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини қоплаш, пудрат ва ижарани кенг жорий этиш, кооперацияни, агросаноат интеграциясини ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш зарур.

Бизнинг назаримизда бу ўринда пудратнинг ва аввало ижаранинг турли шаклларини жорий этиш биринчи ўринда бўлиши керак. Ижара муносабатлари, деб таъкидланган эди КПСС Марказий Комитетининг Пленумида социалистик мулкчилик имкониятларини янада тўлароқ амалга оширишга олиб келади, улар ёрдамида ҳам жамият манфаатлари, ҳам юқори унумли ва самарадор ишни рағбатлантириш таъминланади.

СОВЕТ ҳокимияти йилларида ерни ижарага беришга муносабат неча марталаб ўзгарди. Советларнинг Бутунроссия съездида 1917 йилда қабул қилинган ер тўғрисидаги Декрет ерга нисбатан хусусий мулкчиликка барҳам берди, уни ижарага бериш ёки гаровга қўйишни таъқиқлади. Аммо 1922 йилга келибоқ, Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг Декрети билан қишлоқ хўжалигини тезроқ тиклаш мақсадларида ерни олти йилгача муддат билан ижарага беришга қарор қилинди. 1925 йилда ижаранинг энг кўп муддати 12 йилгача қилиб белгиланди, 1926 йилда эса ижарага олинган ерга ишлов бериш да ёлланма меҳнатга рухсат этилди. Бироқ орадан тўрт йил ўтгач, ерга нисбатан меҳнат ижараси бекор қилинди, 1937 йилда эса СССР Марказий Ижроия Комитетининг қарори билан ҳамма жойда ижара тўла ман этилди. Фақат 1988 йилга келиб колхоз ва совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ерларни бошланғич ишлаб чиқариш жамоаларига, ҳусусий ишлаб чиқарувчиларга, оилаларга ижарага бериш ҳуқуқини олдилар.

Республика партия ташкилоти меҳнатни ташкил этишнинг янада такомиллашган шаклларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан тайёргарлик ишларини пухта олиб борди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ижара муносабатларини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича ташкилий-амалий тадбирлар» тўғрисидаги қарори кўриб чиқилди ва у 1989 йил 19 июнда қабул қилинди. Ана шу қарорга мувофиқ республика колхоз ва совхозларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор шаклларини жорий этиш бўйича катта иш слиб борилмоқда.

Мазкур қарорни амалда татбиқ этиш биринчи навбатда ижарани жорий этиш мумкин бўлган хўжаликлар, бригадалар ва звеноларни аниқлаб чиқишдан бошланди. Ижарачилар, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларнинг ўқуви ташкил қилинди. Ижарани жорий этиш, давлат билан ўзаро муносабат шаклларини аниқлаш, ижарачиларга хўжалик органлари, шунингдек партия комитетлари ва халқ депутатлари Советлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиш бўйича асосий ташкилий-техникавий тадбирлар тузиб чиқилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш типларининг хилма-хиллиги (улар ўндан ортиқ), меҳнат ресурслари структурасида қўл меҳнати билан банд бўлган ишчиларнинг кўплиги (80—85 фоиз) билан характерланади. Ана шулар сабабли агросаноат комплексидаги бутун хўжалик системасини юритиш ва айниқса, ижара муносабатларини жорий этишда қўшимча қийинчиликлар пайдо бўлди.

Ижара муносабатларини ривожлантириш бўйича амалий ишларда бир қолиплик, уларни ташкил этишда мамлакатнинг бошқа зоналарида мавжуд бўлган шакл ва услубларни тўғридан тўғри кўчириб олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш бўлинмаларида ижара шаклларини яратиш, уларнинг ҳажмларини, ижарачи билан хўжаликлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни аниқлашга қатъий равишда табақалаштирилган ёндашиш бўлишига эришиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, колхоз ва совхозлар ичида ташкил этиладиган ижара формалари қонда бўйича майда гуруҳли ёки оилавий бўлиши мумкинлигини, бу эса ўз навбатида колхоз ва совхозларнинг, мавжуд йирик ички хўжалик бўлинмаларининг қарор топган ишлаб чиқариш амалиёти билан мос келмаслигини ҳисобга олиш зарур эди. Ижарага ўтиш ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ер тузилишида жиддий ўзгаришларни тақозо этишини, мавжуд алмашлаб экиш массивларини йириклаштириш заруратини келтириб чиқаришини, техникадан фойдаланишни ташкил этиш шаклларини, ишлаб чиқариш структурасининг бутун системаси ва уни бошқаришни ўзгартиришни талаб қилишини тушунамиз. Шу талабларни амалга оширмай туриб, республика хўжаликларида ижарани кенг ривожлантиришга умид боғлаб бўлмайди.

Ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги Давлат кооператив комитети ижарани ташкил этиш, ижара муносабатларини жорий этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш системаси бўйича турли тавсияларни, планлаштириш тўғрисида Низом ва бошқа зарур ҳужжатларни ишлаб чиқди.

Мутахассислар ва олимлар турли зоналар учун ижара бўлинмаларининг мақбул вариантларини ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар, унда алмашлаб экиш массивларини сақлаган ҳолда, экинларни уйғунлаштириш кўзда тутилганки, шу доирада суғориш, мелиорациялаш, техникадан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш масалалари ҳал этилади. Бироқ алмашлаб экишга негизланган ижара бўлинмасига ер, коллектор ва суғориш тармоқлари, йўллар, дала шийпонлари, техника ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий воситалари ўн йил ва ундан ортиқ муддатга ижарага берилади.

Ижарачиларнинг бошланғич кооперативида ер ва бошқа воситалар бутун коллективга биркитиб қўйилади. Бу коллективда бир киши бир неча касби эгаллаган ва бир ходим иккинчисини алмаштириши мумкин бўлган шароитда меҳнатни тақсимлаш ва кооперациялаш (3-4 механизатор, 5-6 сувчи ва бошқалар) ташкил этилади. Ишлар жуда қизғин тус олган даврларда бошланғич кооператив ижарачилари четдан ходимларни жалб этишлари мумкин. Бир алмашлаб экиш массивида ижара шаклини ташкил этишнинг самарадорлигини кўрсатадиган мисол тариқасида Сирдарё область Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» пахтачилик совхозининг Ж. Эргашев бошчилик қилаётган ижарачи бригадаси иш тажрибасини мисолга келтириш мумкин.

Меҳнатнинг пировард натижаларидан тўғридан тўғри манфаатдорлик, хўжалик ҳисобидан келадиган даромаддан энг кўп ҳисса олиш, бериб қўйилган хўжалик мустақиллиги бригадага ишни ташкил этиш усул ва услубларини кескин ўзгартириш имконини берди. 261 гектар пахта майдонида ижарага ўтилгунига қадар ишлаган 42 киши ўрнига 33 киши меҳнат қилмоқда. Амалда бригаданинг барча ишлаб чиқариш-иқтисодий кўрсаткичлари ўсди. Ишлаб турган бир ходим ҳисобига 9,9 минг сўмлик ўрнига 20 минг сўмлик маҳсулот етиштирилди, бригада аъзосининг ўртача йиллик иш ҳақи 2894 сўмга кўпайиб, 6942 сўмни ташкил этди.

Ижаранинг афзалликлари Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг А. Ғаффоров (Тошкент области), Боёвут районидаги Пушкин номли совхознинг С. Болтаев (Сирдарё области), Андижон районидаги И. Охунбобоев номли совхознинг О. Ҳамидова (Андижон области) бошлиқ бригадалар ва бошқа кўплаб бригадалар фаолиятида ишончли равишда исботланди. Номлари тилга олинган бригада коллективлари 1988 йилдан бери ижарага ўтиб ишламоқдалар.

Цех белгиларига қараб бутун бўлинмалари ижарага ўтиб ишлаётган хўжаликлар фаолиятидан кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Чунончи, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхозни, Ғалаба районидаги Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхозни (Тошкент области), Киров районидаги «Бешариқ» совхозида (Фарғона области) ибратли ишлар қилинмоқда. Бундай хўжаликларда ишдан бўшаб қолаётган ходимларни жойлаштириш учун ёрдамчи ишлаб чиқариш ва ишхоналар ташкил этилмоқда. Ишлаб чиқариш муносабатларида демократик принципларни чуқурлаштира бориб, илғор тажрибани тобора кенг кўламларда жорий этилишига эришиш партия комитетларининг муҳим вазифасидир.

Ижара билан бир қаторда сут етиштириш ва молларни бўрдоқига боқиш бўйича деҳқон ва фермер хўжаликлари тобора кенг ривож топмоқда. Қорақалпоғистон АССРда 1989 йилда 489 деҳқон хўжаликлари давлатга 952 тонна сут ва 50 тонна гўшт сотдилар. Бухоро области хўжаликларида 1346 та фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлиб улар 6 минг бошдан зиёд қорамолни боқмоқдалар, шулардан 2,1 минги соғин сигирлардир. Қорамол ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш учун фермерларга 690 минг сўм қарз берилди, озуқа етиштириш учун 474 гектар ер ажратилди.

Республика Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни емхашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу масала бўйича қарори муносабати билан хўжалиқ юритишнинг бу формасини янада ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Ижарани, қооперативлар, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш масалалари эътиборни ва масалага пухта ўйлаб ёндашишни талаб этади. Бунда турли-туман регионал шарт-шароитларни, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини, нуфус вазиятини, иқтисодий жабҳани ривожлантиришни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиёти ютуқларини қўллаш имкониятларини албатта ҳисобга олиш лозим бўлади.

Шу ўринда ижара муносабатларининг шакллари жуда ҳам хилма-хил бўлишлигини унутмаслик керак. Шулардан бири оилавий ижара бўлиб, у алмашлаб экиш участкасида ижарачилар кооперативи составида ишлаши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳар бир оилага ер (10—20 гектар) бир неча йилга биркитиб қўйилиши мумкин. Бу ерда оила ўз кучлари билан ҳамма ишларни бажаради ва етиштирилган маҳсулотнинг хўжайини ҳисобланади.

ШУНИ таъкидлаш керакки, алмашлаб экиш массивлари негизида оилавий ижара ташкил этганда оилага ер доимий биркитиб қўйилиши муносабати билан шу ерларда пахта ва беда экинларини алмашлаб туриш масаласи пайдо бўлади. Гап шундаки, 90—120 гектар ва ундан ортиқ массивнинг ҳаммасида алмашлаб экиш ротациясида оилага биркитилган 10—20 гектар ернинг ҳаммаси ҳар 4—6—7 йилдан кейин алмашлаб экиш схемасига қараб уч йилгача беда билан банд қилинади. Беда эса пахтага таққослаганда 4—5 баравар кам даромад беради. Шундай қилинганда оилалар кўрсатилган муддатда иқтисодий жиҳатдан ноқулай шароитга тушиб қолишлари мумкин. Лекин бундан чиқишнинг йўли бор. Маълумки, беда пахтага қараганда меҳнатни 4—5 марта кам талаб қилади. Уч йилгача ишдан ҳоли бўлиб қолган оила ишчи кучидан қўшни пахтачилик бўлинмаларида фойдаланиш мумкин.

Ижара ва пудратнинг кўринишлари ҳар хил бўлгани билан ерни фойдаланиш учун беришнинг асосий шарти алмашлаб экишларга риоя қилишдир. Фақат шундагина тупроқ унумдорлигини оширишга, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўтаришга, юксак пировард натижаларга эришиш мумкин. Бунда бутун техникани махсус ижара бригадаларида жамлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай бригадалар хўжалик ҳисоби асосида оилавий ижарачиларга хизмат кўрсатади. Аммо, ижарачилар бутун зарур техникани мулк қилиб сотиб олишлари ҳам мумкин.

Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган регионларда ижара муносабатларини жорий қилишда кўпгина муайян қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Қорақалпоғистон АССР, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа областларнинг илгаритдан суғориб келинаётган зоналарида бир ходимга тўғри келадиган экин майдони одатда 1—1,5 гектардан ошмайди. Бундай шароитларда ерларни ижарага беришда техника тараққиёти, алмашлаб экишларни жорий этиш тўсиқларга дуч келади. Асосий фондлардан фойдаланиш ёмонлашади.

Сўнгги 30 йил мобайнида меҳнат ресурслари ортиқча бўлган зоналарда звеноларга эга бўлган ва звеносиз трактор-далачилик бригадалари, комплекс механизациялашган бригадалар, хўжалик ҳисобидаги ва коллектив пудратига асосланган бригадалар ва бошқа шаклар кенг синовдан ўтказилди. Шу нарса аниқландики, меҳнат юки кам бўлган ҳолларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг энг самарали шакли зарур техника биркитиб қўйиладиган хўжалик ҳисобида ишловчи бригадаларнинг одатдаги кўлами 60—90 гектар ердан иборат бўлиб, доимий ходимлар сони 50—60 кишига боради. Меҳнатга ҳақ тўлаш аккорд-мукофот системаси бўйича амалга оширилади. Йил охирида етиштирилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб ходимларга қўшимча иш ҳақи ёзилади ва тўғридан-тўғри ҳаражатларни иқтисод қилиш суммасининг 70 фоизигача мукофот берилади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бундай системаси кўпгина хўжаликларда асосан сақланиб турибди. У ишбай ва вақтбай ҳақ тўлаш системасини ўз ичига олади ва республикамизнинг ҳамма жойида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг пудрат шакли деб аталади. Кўпгина хўжаликлар ана шу шаклни қўлланиб, пахтадан гектарига 35—40 центнер ҳосил олмоқдалар ва хўжаликни тадрижий ривожлантиришни таъминламоқдалар.

Илгаритдан суғориб келинган ва бир ходимга тўғри келадиган экин майдони кам бўлган колхоз ва совхозларда айни босқичда чинакам ижарани жорий этиш қийин. Бундай хўжаликларда ортиқча меҳнат ресурслари учун етарли ҳажмда ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, янги иш жойлари ташкил этиш билан вазиятдан чиқиб кетиш мумкин.

Шу билан бирга, партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари бундай шароитларда ижара муносабатларининг асосий принципларини, жумладан, хўжалик ҳисобининг иккинчи модели — меҳнатга қолдиқ принципи бўйича ҳақ тўлашни жорий этиш йўлларини сабот билан қидирмоқдалар.

Бригада ва оила пудрати сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда кенг қўлланилиши мумкин. Бундай коллективларда экинлар хили кўп ва алмашлаб экиш далалари ҳажми камдир. Уларда аслини олганда, ижара муносабатларига ўтиш учун ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Бироқ ҳозирча бу жараёнга асосан планлаштириш ва маҳсулот тайёрлашнинг шу пайтгача мавжуд бўлган системаси тўғаноқ бўлиб турибди. Ҳозир КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорларига мувофиқ мева-сабзавот маҳсулотларига нисбатан шартлашилган нархлардан кенг фойдаланилмоқда, тармоқни бошқариш системаси ўзгармоқда. Буларнинг ҳаммаси мазкур ишлаб чиқариш бўлинмаларида ижарага ўтиш жараёнини енгиллаштиради.

Республика партия ташкилотлари чорвачиликка ижарани жорий этиш бўйича катта иш олиб бордилар. Сутчилик ва бўрдоқичилик фермаларида асосан пировард маҳсулот учун ҳақ тўланадиган бригада ва оила пудратини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб чиқди. Бу ўринда Зомин районидаги «Ленинград» совхозининг қорамолларни бўрдоқига боқаётган Э. Абдуллаев бошлиқ ижарачилар коллективи тажрибасини мисолга келтириш мумкин. Мазкур ижарачи коллективда ялпи маҳсулот 4,3 минг сўмликка кўпайтирилиб, барча сарф-харажатлар 1987 йилга нисбатан 6,7 минг сўм камайтирилди. Меҳнат унумдорлиги анча ўсди. Қорамолни бир центнер семиришнинг таннархи 341 сўмдан 242 сўмга камайтирилди. Бир ходимнинг йиллик иш ҳақи 1987 йилга, яъни ижарага ўтилгунга қадар бўлган 2,2 минг сўмдан 5 минг сўмга кўтарилди.

Ижара бўлинмалари ва хўжаликлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабат масалалари республика партия ташкилотларининг доимий эътиборида турибди. Бундай муносабатлар социал адолат, алмашлашда эквивалентлик принциплари асосига қурилади ва асосан товар-пул муносабатлари орқали амалга оширилади. Ижара шартлари ва томонларнинг (ижарага берувчи ва ижарачи) ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан, шунингдек, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотидан фойдаланиш бўйича мажбуриятлари асосий ҳужжат ҳисобланган ижара шартномалари билан мустаҳкамлаб қўйилади.

Бундан ташқари ижарачи колхоз ва совхозлар учун қўлланиладиган шартлар ва баҳоларда уруғлик, ўғит, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, озуқа ва бошқа моддий ресурсларни, электр энергияси, газ ва турли ишлаб чиқариш хизматларини сотиб оладилар. Ички хўжалик ижарасида (ижара пудрати) юқорида кўрсатилган моддий ресурслар колхоз ва совхозлар томонидан ижара бўлинмаларига ижарага берувчининг ўша моддий ресурсларни сотиб олиш ва ташиб келтиришга кетган харажатларини қоплайдиган нархларда сотилади.

Ижарачи маҳсулотни колхоз ва совхозларга ўхшаб харид нархлари бўйича реализация қилади. Шартномада кўзда тутилганидан ортиқча етиштирилган озиқ-овқатга мўлжалланган маҳсулотларни ижарачи ўз майлига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Ижарачи ташкилот ва деҳқон хўжаликларининг аъзолари ижтимоий суғурта қилинадилар ва ишчи ҳамда хизматчилар билан тенг ҳуқуқда ижтимоий таъминотдан баҳраманд бўладилар, ўз даромадларидан давлат фондларига ажратмалар берадилар.

ИЖАРА тўловини белгилаш ижарани ташкил этишнинг асосий нуқтасидир. У асосланган ва ўзаро манфаатли бўлиши, ижарага берувчининг ижарага берилган асосий воситалар — коллектор ва суғориш тармоқлари, техника, йўллар, хўжаликни бошқаришга қилинган харажатларнинг бир қисмини, шунингдек кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришга, ижарачилар эҳтиёжи учун зарур бўлган социал инфраструктура объектлари қурилишига кетган сарфларни қоплашга йўналтирилиши керак.

Ижара ҳақи билан бирга (корхона ичидаги ижарадан ташқари) ижарачи мавжуд қонунчиликка мувофиқ равишда солиқлар (бюджетга тўловлар) тўлаб туради.

Маҳсулотни реализация қилишнинг айни шу шартлари ички хўжалик ижарасида (ижара пудрати)да ҳам сақланиб қолади. Бироқ ижарачи билан ижарага берувчининг ўзаро муносабатларида кўпгина ҳолларда шартлашилган (ҳисоблаб чиқилган) нархлар системаси қарор топган. Бундай нархлар солиқлар, суғурта тўловлари, бошқариш аппаратини сақлаш учун кетадиган харажатлар суммасига нисбатан пастдир. Бу система икки сабабга кўра истиқболга эга эмас: биринчидан, бу ерда доимо паст ҳисоб-китоб нархлари белгилашдан манфаатдор бўлган маъмурият томонидан ижарачини эксплуатация қилишнинг яширин шакли мавжуд бўлади; иккинчидан, бундай ёндашув товар-пул муносабатлари ва бозор иқтисодиётига зиддир. Шу муносабат билан аграрчи-иқтисодчилар олдида олдисотди принципига асосланган, даромадларнинг бир қисмини давлат бюджетига тўлаб туриши шарт бўлган соф ижарага ўтишнинг энг оқилона йўлларини қидириш вазифаси туради. Бу ўринда ҳеч бир томондан тазйиқ ўтказиш ва бўлди-бўлдичилик, расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Шу билан бирга, бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам нотўғри бўлур эди. Партия ташкилотларининг вазифаси ижарачилик ниқоби остида буйруқ беришга ўрганиб қолган ва эски иш услубларига ёпишиб олаётган раҳбарлар ва мутахассисларни ўз вақтида фош этишдир. Бундан буён қишлоқда иқтисодий муносабатлардан ташқарида ҳеч қандай иш бўлиши мумкин эмаслигини ҳамма тушуниб олиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми ижара муносабатларини ривожлантириш, қишлоқда иқтисодий иш тарзини ўзгартириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бу ўринда қаерда ва қанча коллектив янги шароитларда ишлаётганлиги ҳусусида маълумотлар келтиришнинг зарурати йўқ, масаланинг моҳияти бунда эмас. Моҳият шундаки, қишлоқда маънавий-психологик вазият сезиларли даражада соғломлашди, қишлоқ меҳнаткашларининг даромадлари ўсмоқда. Узоқ йиллардан бери пахта биринчи марта студентларни ихтиёрий равишда атиги бир ой муддатга жалб этган ҳолда ва мактаб ўқувчиларини жалб этмай териб олинди. Ўтган йилларга нисбатан қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошди, зарар келтирувчи хўжаликлар сони 71 тага камайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати партия ва хўжалик органлари, олимлар ва мутахассислар фаолиятини ҳамма жойда тўпланган тажрибани ўрганишга, ижара муносабатлари соҳасидаги аҳволга ҳолисона баҳо беришга, ижара муносабатлари ва хўжалик юритишнинг бошқа янада такомиллашган янги шаклларини топишга қаратаверадилар. Бу ишлар республика агросаноат комплексида ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштиришга, бинобарин қишлоқ меҳнаткашлари учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга хизмат қилиши керак.

А. ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

«МЕН ХАЛҚИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН...»

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Кечани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов очди. Ойбек ва Шайхзода, Ғафур Ғулом ва Уйғун мансуб бўлган ўзбек ёзувчилар авлоди ўзбек адабиёти уфқида пайдо бўлганида Абдулла Қодирий, Сўфизода ва Чўлпон сингари адабиётимиз тўнғич вакилларининг ижоди барқ урган пайт эди, деб таъкидланди кечада. Аммо даврнинг Сталин шахсига сиғиниш билан боғлиқ даҳшатли бўрони бу азамат чинорларни илдизи билан қўпориб кетди ва тарих уларнинг изидан бораётган истеъдодли адиблар зиммасига ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётини ҳар томонлама юксалтириш вазифасини юклади. Тарихнинг ана шу масъулиятли палласида бу адиблар маҳорат чўққилари сари шаҳдам одимлаб, халқ ва инқилоб идеалларига муносиб асарлар яратишга, устозлар ишини ва жаҳон адабиёти илғор анъаналарини давом эттиришга интилдилар. Худди ўша йилларда Ҳамид Олимжоннинг номи порлоқ юлдуз сингари нур сочди.

Ватанпарварлик, ички интизом, маънавий ва умумий маданият, ижодга ташналик ва садоқат Ҳамид Олимжонга хос фазилатлар эди. У ўзининг ана шу фазилатлари туфайли навқиронлик давридаёқ оташин шоир сифатида шаклланибгина қолмай, жумҳурият ёзувчилар ташкилотига раҳбарлик қилиб, адабий ҳаракатнинг истеъдодли, ташаббускор ташкилотчиси эканини намойиш этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Мамажонов Ҳамид Олимжон ижодини атрофлича таҳлил этди. Тожикистон халқ ёзувчиси Фотиҳ Ниёзий ўзининг илк мураббийси, ўзбек совет адабиётининг алломаси билан бўлган учрашувлари ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди. У ўз устози ва дўстининг шеърлари Улуғ Ватан урушининг энг оғир даврида жангчиларни қандай илҳомлантирганлигини ҳикоя қилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин ажойиб истеъдод ва юксак гражданлик жўшқинлиги соҳиби, ватанпарвар ва курашчи, ҳассос шоир ва оташин публицист тўғрисида ўз фикрларини ўртоқлашди. Қирғиз шоири ва таржимон Туманбой Бойзоқов Ҳамид Олимжондек ҳар қандай катта шоирнинг ижоди барча халқларнинг мулки эканлигини таъкидлаб, унинг шеърлари китобхонларнинг янги-янги авлодларини тарбиялаётганини айтди. Қозоқ шоири Бекдилда Алдамжаров Ҳамид Олимжонга бағишланган шеърини ўқиб, ўзбек шоирининг асарлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётининг бундан буёнги ривожига ҳам таъсир кўрсатаётганини қайд этди. Бошқирд шоираси Факия Туғизбоева ўз нутқини Ҳамид Олимжон билан Зулфиянинг кўпчилик учун садоқат ва вафо рамзига айланган ёрқин муҳаббатига бағишлади. Ҳамид Олимжоннинг рафиқаси ва дўстига қурай миллий мусиқа асбобини совға қилди.

Озарбайжон адабиётининг атоқли намояндаси Самад Вурғуннинг ўғли шоир Воқиф Самад ўғли ўз нутқини Ўзбекистон диёрида бўлган кунларида ўз она тилида ёзадиган ва сўзлашадиган барча кишиларни бирлаштириб турган рус тилини соғинганлиги тўғрисидаги сўзлар билан бошлади. У ўз халқи маънавий ҳазинасини бойитган Ҳамид Олимжоннинг истеъдоди ва маҳоратига ҳурмат бажо этар экан, ўзбек шоири халқлар дўстлигини бутун мамлакат фаровонлигининг гарови деб билганини таъкидлади. Ҳамид Олимжон яратган асарлар неча ўн йиллардан бери яшаб, ўқувчиларни мафтун этиб келмоқда. Москвалик ёзувчи Сергей Есин шу ҳақда гапирар экан, Ҳамид Олимжоннинг хотирасини қалбига жо қилган халқ ҳамон уни эъзозлаб келаётганини таъкидлади. Ана шу халқ хотираси йиллар ўтиши билан зиёда бўлаверади.

Шоирнинг дўсти ва сафдоши, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Ҳамид Олимжон хотирасини эслаб келган барча кишиларга чин дилдан миннатдорчилик изҳор қилиб, унинг «Ўрик гуллаганда» шеърини ёдга олди. Бу шеърда ёшлик, баҳор, бахт-саодат туйғуларини ҳис этасиз. Шоир уни билганлар хотирасида, уларнинг қалбида ҳамон шундай бўлиб қолади. Зулфия ўзининг шоирга бағишланган шеърини ўқиб берди.

— «Яхшидан ном қолади» — деган нақл бор Шарқда. Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси ҳақида ҳам тўла асос билан шундай дейиш мумкин, — деб таъкидлади Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов, Ўзбекистоннинг етакчи санъат усталари иштирокидаги катта байрам концерти билан ниҳоясига етган тантанали кечада сўзга чиққан барча кишиларнинг нутқларида ана шу фикр ўз ифодасини топди.

Кечада Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг раиси Ҳ. Алимова, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этдилар.

* * *

Кузда Ватанимиз пойтахти Москвада, Союзлар уйининг колоннали залида Ҳамид Олимжон таваллудининг саксон йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказиш режалаштирилди.

(ЎзТАГ).

Дунё овози

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИ КУТИБ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

● САН-ФРАНЦИСКО. Калифорния штати аҳолиси СССР Президенти М. С. Горбачевнинг яқинда АҚШга қиладиган ташрифининг расмий қисми ва унинг Президенти Ж. Буш билан учрашувидан кейин у Америкаининг энг гўзал шаҳарларидан бири — Сан-Францискога ва мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртларидан ҳамда илмий марказларидан бири бўлган Станфорд университетига келиши тўғрисидаги хабарни ҳушнудлик билан қабул қилди.

Барча маҳаллий газеталар, радио ва телестанциялар бунга жавобан жуда кўп қутлов шарҳлари беришди. Бу шарҳларнинг умумий маъносини «Сан-Франциско кроникл» газетасининг бош мақоласидаги қуйидаги фикрлардан уқиб олиш мумкин: «Михаил Горбачевнинг ташаббуси билан Совет Иттифоқида бошланган ўзгаришлар ажойиб тарихий кўламга эгадир. Москва билан Вашингтон буюк давлат бўлиб олиш учун қилаётган хавфли рақобатларига барҳам берадилар, деган умиднинг оқланиши кўп жиҳатдан у амалга ошираётган ўзгартишларнинг муваффақиятига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Совет раҳбари Сан-Франциско кўрфазига келганида у ўзининг ошкоралик ва қайта қуришга кўламли нуқтаи назарларини халқ қўллаб-қувватлашини ҳис этиши лозим».

АМЕРИКА АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ ШУҲРАТИ ПАСАЙМОҚДА

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ автомобилсозлик компаниялари учун бу йил муваффақиятсиз бошланди. Сотилган автомобиллар миқдори 1989 йилнинг шу давридагига нисбатан ўртача 18—20 фоиз қисқарди.

«Крайслер» компанияси айниқса катта зарар кўрди. У сотган ен

СОВЕТ КОРЕЙСЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

ВЦСПСнинг Москвадаги союзлар уйида совет корейслари уюшмасининг таъсис съезди бўлиб ўтди.

300 га яқин делегат — Москва ва Ленинграддаги, Қозоғистон ва Қирғизистондаги, Хабаровск ўлкасидаги, мамлакатимизнинг кўпгина бошқа жойларидаги корейслар миллий-маданият марказлари ва жамиятлари вакиллари ҳозирги шароитда корейс миллатини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш учун ушбу анжуманга тўпландилар.

«Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган ёки СССР территориясида бундай тузилмалари бўлмаган СССР гражданларининг эркин миллий ривожланиши тўғрисида»ги СССР Қонуни уюшма таъсис этиш учун ҳуқуқий негиз эканлиги съездда таъкидлаб ўтилди. Бу Қонун ўз миллий-давлат тузилмалари бўлмаган совет корейслари ва бошқа халқлар учун кенг имкониятлар очиб беради.

Съезд ишида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Р. Н. Нишонов қатнашди. (ТАСС).

МЕСХЕТИ ТУРКЛАРИ ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

18 май куни Москвада месхети турклари «Ватан» жамиятининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда жамият кенгаши сайланди, унинг устави тасдиқланди. Жамият халқнинг миллий уйғониши, унинг ҳуқуқларини тиклаш ишида давлат органлари ва жамоат ташкилотларига кўмаклашишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. (ТАСС мухбири).

● Шу кунларда Тошкентда эҳтимоллар назариясининг лимит теоремалари бўйича Бутуниттифоқ илмий конференцияси ўтмоқда. Конференция атоқли совет математиги, ўз илмий ишлари билан жаҳонга машҳур олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Беруний мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори Саъди Ҳасанович Сирожиддинов хотирасига бағишланади.

● Устозни хотирлаб

КЎПЛАРГА РАҲНАМО ЭДИ

С. Ҳ. Сирожиддинов илмий жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилган мактаб яратган аллома. Айниқса, устоднинг эҳтимоллар назариясининг лимит теоремалари бўйича олиб борган тадқиқотлари Ўзбекистонга катта шуҳрат келтирган...

Саъди Ҳасановичнинг дастлабки илмий ишлари классик анализга оид: у кўпўлчовли Эрмит функцияларини, кўпҳадларни таҳлил қилди. Функцияларнинг Эрмит кўпҳадлари бўйича қаторга ёйилиш шартларини топди. Турли индексли Эрмит функциялари орасидаги боғланишларни аниқлади.

Бу тадқиқотлар эҳтимоллар назариясига алоқадор эди. Ҳақиқатан ҳам, Саъди Ҳасановичнинг бу натижаларидан кейинчалик, нопараметрик статистика баъзи масалаларини ҳал этишда фойдаланилди. Саъди Ҳасанович доврўғини кенг ёйган тадқиқотлар унинг бир жинсли Марков занжирлари учун лимит теоремаларга бағишланган тадқиқотларидир. Марков занжири схемаси бўйича боғлиқ тасодифий миқдорлар йиғиндиси учун лимит теоремаларда аниқ баҳоларни, асимптотик ёйилмаларни биринчи бўлиб фан тарихида Саъди Ҳасанович олди. Унинг бу тадқиқотлари йирик мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Аммо олинган натижалар чекли ҳолатли Марков занжирлари учун эди. С. Ҳ. Сирожиддиновнинг бу тадқиқотлари кейинчалик унинг шогирдлари, Москва, Вильнюс, Киев математиклари томонидан давом эттирилди.

Боғлиқ бўлмаган тасодифий миқдорлар йиғиндиси учун лимит теоремаларда ҳам Саъди Ҳасанович ва унинг шогирдлари салмоқли натижаларни қўлга киритишган. Устознинг тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисига оид лимит теоремалари оммавий хизмат кўрсатишнинг математик назарияда, ишончлилик назариясида, тасодифий дайдиш масалаларида ўзининг самарали татбиқларини топди.

Устоднинг эҳтимоллар назариясининг чегаравий масалалари ва кучайтирилган катта сонлар қонунига оид ишлари тадқиқотнинг янги замонавий методларидан фойдаланилганлиги билан диққатга молиқдир. Бу ишлар туркуми мутахассислар томонидан илиқ кутиб олинди. Улар Саъди Ҳасановичнинг 1987 йилда чоп этилган монографиясида жамланган.

С. Ҳ. Сирожиддинов маҳсулот сифатини назорат қилишнинг статистик методларини ишлаб чиқишда ҳам етакчи олимлардан ҳисобланади. Бу борадаги унинг тавсиялари мамлакатнинг бир қанча корхоналарида синовдан ўтган ва амалий дастур сифатида қабул қилинган.

Домла йиғинди кўринишидаги статистикаларга жо бўлган Фишер информациясининг асимптотик табиатини ўрганиб чиройли натижаларни олди, бу натижалар нафақат Иттифоқимиздаги, балки хорижий мутахассисларда ҳам қизиқиш уйғотди.

Саъди Ҳасанович Ўрта Осиё риёзиёти тарихи бўйича ҳам ўзига хос мактаб яратди. У Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний асарларини таржима қилдириш, чоп эттириш ишларига бош-қош бўлди. Бу олимлар ва бошқа Ўрта Осиёлик алломалар ижодини кенг тадқиқ қилиш ишларига раҳбарлик қилди. Ал-Хоразмий, Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган рисолалар чоп эттирди.

Саъди Ҳасанович жумҳуриятимизда олий таълим, маорифнинг ривожига ниҳоятда катта ҳисса қўшган алломадир. Унинг қаламига педагогика институтлари учун ёзилган иккита дарслик мансубдир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги илмий-методик Кенгаш математика секциясининг раиси сифатида домла жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида математик кадрлар тайёрлаш, олий математика ўқитилишини такомиллаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Вилоятлардаги педагогика институтларига маърузалар ўқишга таклиф қилиниб, жойлардаги кадрларга яқиндан амалий ёрдам берди. Домла маорифимиз жонкуярларидан бири эди. У мактабларимизда математика ўқитишни яхшилаш борасида анча хизматлар қилди. Жумҳуриятимиз ўқувчиларининг математик олимпиадаларини ташкил қилиш, уни маорифимизга сингиб кетишида домланинг роли беқиёс, физика, математикага иқтидорли ўқувчиларнинг республика мактаб-интернатини бунёд этилишига ҳам домланинг катта хизматлари сингган.

С. Сирожиддинов юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшдилар. Унинг илмий раҳбарлигида 10 та фан доктори, 50 дан ортиқ фан номзоди тайёрланди. Шогирдлари географияси ниҳоятда кенг: Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон, Вьетнам, Мўғулистон, Миср Араб Республикаси...

Саъди Ҳасанович йирик жамоат арбоби эди. У 1967 йилдан бошлаб то умрининг охиригача Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати эди. 1976—84 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, 1984—88 йилларда Тошкент область партия комитетининг аъзоси эди.

Республика физика-математика интернати, Тошкент кўчаларидан бири, Тошкент дорилфунунининг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси Саъди Ҳасанович Сирожиддинов номига қўйилган.

Т. АЗЛАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
доцент, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Шариф ТОЛИБОВ

Жумҳуриятимиз маданият аҳли оғир жудоликка учради. Кекса журналист, ношир, таржимон, 1940 йилдан КПСС аъзоси, СССР Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар уюшмасининг аъзоси Шариф Толибов 1990 йил 18 май куни 86 ёшида вафот этди.

Шариф Толибов 1905 йил 9 майда Тошкент шаҳрида туғилган. У меҳнат фаолиятини «Камбағал деҳқон» газетаси редакциясининг масъул котиби бўлиб ишлашдан бошлаган. Шундан буён у 65 йил давомида газета ва журнал редакцияларида, республикамизнинг турли нашриётларида ишлаб, матбуотимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Ш. Толибов ўз ижодий фаолиятининг катта қисмини ЎзКП МК ҳузуридаги Партия тарихи институти — КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиалида ишлаб, Маркс, Энгельс, Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилишга бағишлади. Айни вақтда у жаҳон ва рус бадиий адабиёти асарларини ўзбек тилига таржима қилишга ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

У малакали кадрлар етиштиришда жонбозлик кўрсатди. Ш. Толибов Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Узоқ йиллик ҳалол хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланди, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди.

Ш. Толибовнинг порлоқ хотираси уни билган, таниган кишилар қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

67-ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1990 ЙИЛ 15 МАЙДА

ГРОДНО ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ

Заёмнинг қирқ саккиз разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200082	1—100	100
200964	072*)	1000
201270	075*)	1000
201341	1—100	100
201700	009*)	1000
202144	1—100	250
203876	006*)	1000
204171	039*)	1000
204897	1—100	250
205653	1—100	100
206155	009*)	1000
207754	012*)	2500
207912	1—100	500
210380	090*)	1000
211567	088*)	500
211710	026*)	500
212282	057*)	2500
212884	008*)	5000
213219	1—100	100
213511	014*)	500
214139	035*)	1000
214611	080*)	500
215251	1—100	100
215309	058*)	2500
216268	050*)	500
216452	064*)	2500
216540	016*)	500
216630	030*)	500
216958	026*)	1000
217024	017*)	1000
217755	1—100	250
218174	1—100	250
218477	087*)	500
218696	1—100	100
219137	012*)	500
219457	013*)	1000
219691	036*)	1000
220759	003*)	500
220908	1—100	250
222013	038*)	1000
222111	1—100	100
222755	1—100	100
223601	1—100	250
223683	062*)	5000
223793	1—100	100
224427	1—100	250
225149	078*)	5000
225156	020*)	500
225359	1—100	250
226037	052*)	1000
226449	1—100	100
228245	076*)	500
228724	085*)	2500
229304	1—100	100
229465	060*)	1000
230258	039*)	500
230765	066*)	1000
231313	1—100	100
232401	1—100	100
232727	1—100	250
233533	082*)	2500
233550	1—100	100
233724	1—100	250
234411	1—100	100
235406	047*)	2500
235542	010*)	500
235794	036*)	500
236552	1—100	100
236567	059*)	500
236722	017*)	500
236868	1—100	100
236881	1—100	250
237989	1—100	100
238675	038*)	2500
238857	035*)	1000
238860	1—100	100
239434	027*)	500
239589	095*)	1000
240298	1—100	500
240925	067*)	500
241012	1—100	100
241198	1—100	100
241676	061*)	2500
241880	010*)	1000
243041	1—100	100
243102	046*)	1000
243955	084*)	500
244749	090*)	500
245362	076*)	1000
247081	067*)	1000
247440	069*)	1000
247763	019*)	1000
249004	045*)	1000
250179	1—100	100
251316	016*)	500
251511	059*)	1000
251691	075*)	500
252676	061*)	1000
252765	080*)	1000
253980	1—100	250
254650	001*)	1000
255467	056*)	500
256302	1—100	100
256769	1—100	250
256803	028*)	500
257931	050*)	1000
258190	1—100	250
258408	1—100	100
259723	073*)	1000
260050	083*)	500
260124	096*)	2500
260227	027*)	1000
261014	043*)	500
261455	1—100	250
261465	1—100	100
261909	058*)	1000
261964	022*)	1000
262363	036*)	1000
262615	053*)	500
263666	042*)	1000
264001	083*)	1000
264205	1—100	250
264986	090*)	500
265344	002*)	1000
265451	1—100	250
266117	1—100	250
266468	087*)	5000
266566	1—100	250
266616	073*)	500
267105	065*)	500
268009	1—100	100
268013	005*)	500
268023	085*)	500
268313	074*)	2500
268688	053*)	2500
268989	060*)	500
270734	057*)	2500
270754	011*)	500
271040	081*)	1000
271478	019*)	2500
271506	014*)	1000
272000	054*)	1000
272838	052*)	1000
273233	019*)	500
273355	1—100	250
273456	1—100	100
274492	015*)	1000
274999	060*)	500
275377	008*)	1000
275685	1—100	100
276124	030*)	1000
276259	074*)	500
277006	094*)	500
277034	016*)	500
278791	080*)	1000
279278	098*)	500
280333	1—100	250
280345	1—100	100
281751	013*)	500
282293	1—100	100
282354	072*)	1000
282387	008*)	5000
282420	041*)	2500
282494	075*)	500
282556	080*)	500
282651	042*)	1000
282652	028*)	1000
283069	1—100	100
283342	1—100	100
284267	081*)	1000
284419	085*)	500
284720	1—100	250
285114	001*)	500
285461	1—100	100
286068	1—100	250
286081	041*)	2500
286825	021*)	500
286933	034*)	2500
287721	1—100	100
289131	1—100	250
289193	1—100	100
289591	1—100	100
290009	1—100	100
290565	1—100	100
290794	1—100	100
291164	057*)	500
291563	1—100	100
292170	012*)	2500
293684	075*)	2500
293871	050*)	1000
294516	022*)	10000
297043	012*)	500
297429	033*)	1000
297796	1—100	250
297890	094*)	2500
298118	1—100	100
298827	015*)	500
299192	038*)	1000
299323	045*)	1000
299608	096*)	1000

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 200, 500 ,1000 сўм ютуқ тўланади, 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 100 сўм чиқади ва облигация бўйича 600, 1100, 2600, 5100, 10100 сўм тўланади, 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — халқ депутатлари Гродно шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. П. Чеботарович.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — Е. Н. ДЕМИНА.

«АЛМАЛИКСВИНЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИГА

Ғишт терувчилар, дурадгорлар, арматурачилар, бетончилар, сувоқчи-бўёқчилар, газ-электр пайвандчилар, йиғма темир бетон конструкциялар монтажи бўйича монтажчилар

КЕРАК

МЕҲНАТ ҲАҚИ-ИШБАЙ МУКОФОТЛИ.

Ёлғизларга ётоқхонадан жой берилади, оилалилар эса навбат тартибида уйжой билан таъминланадилар.

Қурилиш касбини эгаллаб, малака ошириш мумкин бўлган ўқув пункти мавжуд. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволаниш учун тиббий профилакторий фаолияти кўрсатилмоқда. Болалар боғчалари ва пионер оромгоҳи мавжуд. Хоҳлаганларга турли ўқув юртларига йўлланма берилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Комсомол кўчаси, 6-уй, трестнинг кадрлар бўлими. Телефонлар: 5-22-14, 96-4-28, 96-4-23.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6 июнь соат 17.00 да 20.00 да

Чимкентлик хушовоз хонанда

ҒИЁС БОЙТОЕВ

ва

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби

МИРЗА ХОЛМЕДОВ

иштирокида

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Программани — ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб борадн.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V да Корсар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Математика институти жамоаси катта библиограф З. Ш. Аббосовага отаси

Шариф Толибович ТОЛИБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Спорт • • Спорт • • Спорт • • Спорт • • Спорт • • Спорт •

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Республикамиз пойтахтида соғломлаштириш-маданий маркази очилди. Бу ерда асосан хотин-қизлар саломатликларини мустаҳкамлаб, спортнинг қизиқарли турлари бўйича машғулотларда қатнашишлари учун қулай шароитлар яратилган. Чунончи, улар шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дамламалардан ичишлари, компьютер ёрдамида ўзларига мос спорт турини танлашлари мумкин. Оналар машғулот ўтказаётган пайтда уларнинг болаларига қараб туриш йўлга қўйилган.

Суратларда: аэробика машғулотида (юқорида), машқни тобига етказиш хонасида ва соғломлаштириш маданий марказининг умумий кўринишлари.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратлари (ЎзТАГ).



КУРАШ

ҚАҲРАМОН СОВРИНИ

Черкасияда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Осмон Касаев соврини учун ўтказилган анъанавий мусобақада жами 120 полвон ўзаро беллашди. Миллий мусобақада курашиб, совринли ўринларни эгаллаш учун Туркманистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Бошқирдистон, Татаристон ва Шимолий Кавказ Автоном вилояти шаҳар-қишлоқларидан полвонлар тўпланишди. Очиқ турнирда иштирок этган пискентлик Абдурасул Саидбоевнинг омади келди. У барча беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Мусобақа низомига мувофиқ ўзбекистонлик полвон РСФСР спорт мастери унвонига эга бўлади.

МЕРГАНЛИК:

ЎРИНБОСАРЛАР КЎРИГИДА

Жумҳуриятимиз пойтахтида мактаб ўқувчилари спартакиадаси программаси бўйича камондан отиш бўйича мусобақалари ўтказилди. Мусобақага пухта хозирлик кўрган намангандлик камончилар умумкоманда ҳисобида биринчиликни қўлга киритишди. Тошкентлик мерганлар бу сафар иккинчи ўрин билан қаноатландилар. Фарғоналик ўқувчилар ғолиблик супасининг учинчи поғонасини эгаллашди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

⊙ БИРИНЧИ ЛИГА. Бўлиб ўтган 6 та учрашувдан кейин ўйинлар жадвалида бироз ўзгаришлар бўлди. Чунончи, «Металлург» футболчилари 14 очко билан яна биринчи ўринга кўтарилишди. Ставрополь динамочилари билан «Геолог» коллективида 12 тадан очко тўпланди. Спартакчилар шунча очко билан иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. Пахтакорчилар 11 очко билан 6-ўринда боришмоқда.

⊙ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ: Футбол анжуманига қизғин ҳозирлик кўраётган СССР терма командаси ҒФРнинг «Шальке-04» командасини 7:0 ҳисобида маглубиятга учратди. Тўпларни Шалимов, Яремчук (тўртта). Лютий, Саленколар дарвозага йўллашди.

⊙ ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ. Бугун Москвада Франция ва СССР ветеран футболчилари терма командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилади. Мухлислар Франциянинг Платини, Босси ҳамда спартакчилардан Нетто, Хусаинов, Ловчев каби ўйинчиларни майдонда кўрадилар.

БЕҒАМЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Наманган вилояти партия, совет ташкилотлари физкультура ва спортни ривожлантиришга эътибор беришмоқда. Турли йиғилишларда, вилоят партия комитетининг бюро мажлисларида бу соҳадаги ишлар муҳокама қилиб бориляпти. Лекин совет, партия ташкилотлари физкультура ва спортни жонлантиришга қанчалик уринсалар, даҳлдор соҳа мутасаддилари шунчалик боқибеғамлик пардасига ўралишяпти. Бошланган ҳаракат, чоратадбирлар эса қуйига етмай, изсиз йўқолмоқда. Айниқса, вилоят физкультура ва спорт комитети раҳбарлари «ўзи бўлар» қабилида иш юритиб, бамайлихотир ўтиришибди.

Айни пайтда вилоятдаги спорт майдончаларини ҳамиша гавжум дейиш қийин. Ваҳолонки, уларда бир йўла 255 мингдан зиёд киши шуғулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаши мумкин. Шунингдек, 32 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 20 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Вилоят ёшлари жумҳурият миқёсидаги мусобақаларда спортнинг 26 тури бўйича иштирок этиб, дуруст натижаларга эришишмоқда. Мамлакат биринчилигида вилоятнинг 3 та футбол командаси иштирок этмоқда.

Лекин бундан кўнгил тўлмайди. Бонси катта имкониятлар бой бериляпти. Физкультура ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабидан орқада. Қишлоқ жойларида спортни ривожлантиришга панжа орасидан қарашяпти. Жойларда бу борадаги ишларни ташкил этиш, шароит яратишга етарли маблағ ажратилмаяпти. Бундан ташқари қишлоқларда қурилиш объектлари спорт ва маданий дам олиш майдонларисиз фойдаланишга топширилмоқда. Шу пайтгача Наманган районида стадион йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Мактаб ўқувчиларини спорт ва жисмоний тарбияга жалб этишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Ҳозир 4 мингга яқин ўқувчи медицина назоратига муҳтож. Биргина Норин районида ўтказилган текширишда 10-синфни битирувчилар 40 фоизининг саломатлиги яхшимаслиги аниқланди. Бунга сабаб биринчидан, мактабларда жисмоний тарбия дарслари номигагина ўтилаётгани, иккинчидан, машғулотлар учун шароит йўқлигидир. Умуман, вилоятдаги мактабларнинг 60 фоизига яқинида алоҳида спорт заллари йўқ. Чўмилиш ҳавзалари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Сирасини айтганда, 7 йил давомида фақат биттагина чўмилиш ҳавзаси қурилди, холос. Наманган шаҳридаги Ленин комсомоли номли спорт комплекси қошидаги чўмилиш ҳавзаси қурилиши эса беш йилдан буён чўзилади. А. Филиппов вилоят физкультура ва спорт комитетига раис бўлгач, бир неча минг сўм маблағ сарфланди, кейин қурилиш ўз-ўзидан эътибордан четда қолди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган бундай қурилиш иншоотлари кўплаб топилади.

Мавжуд спорт иншоотларидан эса етарли фойдаланилмаяпти. Чунончи, Фарғона водийсида эмас, ҳатто жумҳуриятда биринчи ҳисобланган Намангандаги велотрек майдони бунга мисол. Бу ер фақат мусобақалар ўтказилгандагина гавжумлашади. Бошқа пайт бўш ётади. Ахир, бу ерга миллионлаб пул сарфланганку. Наҳотки бу ҳеч кимни ташвишга солмаса? Шароит бўла туриб, велопойга ихлосмандлари сафини кенгайтиришнинг иложи бўлмаса.

Вилоят физкультура ва спорт комитети раҳбарларининг беғамлигига яна бир мисол. Ҳаммаси бўлиб 200 та мерганлик майдончаси бор. Лекин уларнинг аксарияти талабга жавоб бермаслиги, техника хавфсизлиги таъминланмаганлиги сабабли фойдаланилмайди. Яна бир муаммо. Вилоятдаги спорт магазинларидан зарур ускуна ва спорт кийим-кечаклари харид қилиш амримаҳол. Бу спорт ва савдо соҳаси мутасаддиларини ташвишлантирмаяпти. Наманган шаҳридаги «Динамо» спорт магазинида асосан енгил автомашина ва эҳтиёт қисмлар сотилади. Район спорт магазинларида ҳам аҳвол шу. Магазинларда спорт ишқибозлари эмас, балки шахсий автомашинаси учун эҳтиёт қисмлар ахтариб ёки «тирикчилик» ўтказиб юрган кимсалар кўпроқ.

Хуллас, вилоятда физкультура ва спортни ривожлантириш ва оммавийлаштириш учун тўсқинлик қилаётган «омиллар» кўп. Камчилик ва нуқсонларни бартараф этмай туриб, бу соҳада туб бурилиш ясаб бўлмайди. Бунинг учун аввало, вилоят физкультура ва спорт комитети раҳбарлари бефарқлик иллатларидан фориғ бўлишлари, соҳани ривожлантириш йўлида астойдил ҳаракат қилишлари лозим.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

⊙ ҲОДИСА

ЗАВОДДА ЁНҒИН ЧИҚДИ

20 май куни соат 8 дан 18 минут ўтганда Тошкентнинг ўт ўчириш алоқаси марказий манзилига хабар келди: «Средазэлектроаппарат» заводида ёнғин чиқди. 4 минутдан сўнг ҳодиса юз берган жойга ўт ўчирувчи машиналар етиб келди.

Ярим соатдан кейин ёнғин ўчирилди. Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг давлат ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимининг хабар қилишича, ёнғин электр монтаж цехининг электрон блокларни йиғиш участкасида чиққан. 450 квадрат метр майдондаги асбоб-ускуналарни ёнғин қуйдириб юборди ва шикаст етказди, комплектлаш омборларидаги маҳсулотларга ҳам шикаст етди.

Ҳозир ёнғин чиқиш сабаблари ва ёнғиннинг моддий зарари аниқланмоқда. Текшириш тугаллангач бу ҳақда батафсил хабар қиламиз. (ЎзТАГ).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04660. № 116. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12